Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 185 (20. 452) • 1989 йил 11 август, жума • Баҳоси 3 тийин.

КПСС Марказий Комитетида кенгаш

9 август куни КПСС Марказий Комитетида марказий оммавий ахборот воситалари раҳбарларининг кенгаши бўлди. Кенгашни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари И. Н. Слюньков очди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари В. М. Чебриков КПСС Марказий Комитетининг партия миллий сиёсати масалаларига бағишлаб ўтказиладиган Пленумига тайёргарлик қандай бораётганлиги тўғрисида ахборот берди. У жамиятимизни янгилай туриб миллий сиёсатни ҳам янгиламасдан илож йўқ, деди. Содир бўлаётган жараёнларни таҳлил этиш ижтимоий муносабатларнинг бу соҳасида ўтмиш хатоларини шунчаки тузатиш зарур бўлиб қолмай, балки туб ўзгартишлар қилиш керак, деган хулосага олиб келди.

Гап ҳозирги шароитда янги миллий сиёсат тўғрисида боряптики, халқлар тенглиги ва миллатидан қатъи назар одамларнинг тенглиги, интернационализм ана шу сиёсатнинг энг асосий принципларидир. Оммавий ахборот воситалари буни доимо диққат марказида тутишлари керак.

Докладчи ҳозир қизғин мунозаралар олиб бораётган муаммоларга батафсил тўхталди: аввало Совет федерациясини ривожлантириш, СССР Иттифоқи билан иттифоқдош республикалар ҳуқуқ доирасининг нисбати ҳамда бошқа масалалар назарда тутилмоқда.

(Давоми 3-бетда).

МАТБУОТИМИЗ УФҚЛАРИ

Одатда обуна мавсуми ёз охирлаб қолганида бошланар ва ўқувчи қайси нашрларни танлаб олсам экан, обуна чеклаб қўйилгани оқибатида рўй берган тақчиллик шароитида ўзим истаган газета ва журналга қандай қилиб обуна бўлсам экан, деб бош қотирар эди. Ўтган йилнинг кузида чеклаб қўйиш авжига чиққанда нечоғлик қийин вазият вужудга келганини эслатишнинг ўзи кифоя.

Эндиликда вазият тубдан ўзгарди. Обуна бутунлай олиб борилмаётган ёки ҳозирча чекланган миқдорда олиб борилаётган газета ва журналлар сони анча қисқарди. Ўқувчига маъзур бўлган нашрга ҳам эндиликда йил давомида обуна бўлиш мумкин.

Аммо ҳаркалай, тарки одат — амри маҳол дейилганидек кўпчилик бу юмушни йилнинг иккинчи ярмига суриб қўймоқда. Редакциялар ҳам айни шу паллада ўз газета-журналларини тарғиб этишни кучайтирмоқдалар. Эълонлар пайдо бўлмоқда, обуна ҳақида эслатиб турибдилар. Газетхон ва журналхонлар конференциялари ва фаол муаллифлар билан учрашувлар бўляпти.

Бу ишнинг ҳаммаси зарур, бу ишнинг нега фойдаси тегади, бунга шубҳа йўқ. Аммо айни вақтда шуни ҳам унутмайликки газета ёки журнал ўз мазмуни ва шакли билан ўзи учун тарғиботашвиқ этади. Агар мазмун долзарб бўлса ва одамларни қаяжонга солиб турган муаммолар чуқур таҳлил этилаётган бўлса, шакл ҳам замонавий жозибадор бўлса, ана ўшанда муваффақиятга умид боғлаш бўлади. Партия йўлини қатъият билан ўтказиш, давр билан ҳамнафаслик ва ўқувчиларнинг ҳаётий эҳтиёжларига ҳозиржавоб бўлиш бутун матбуотимизнинг бурчидир.

Иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка ва область партия комитетлари биринчи секретарларининг КПСС Марказий Комитетида бўлиб ўтган кенгашида матбуотимиз сўнгги йилларда қайта қуриш сиёсатини қўллаб-қувватлаш, бу сиёсатни амалга ошириш учун кенг халқ оммасини сафарбар этиш борасида кўп ишлар қилганлиги таъкидланди. Матбуот совет жамиятини демократиялашни, ошкораликни ва одамларнинг ижтимоий ташаббусини ривожлантиришда янгиланиш йўлидаги ҳаракатимизга халал бераётган барча иллатларга қарши курашда жуда муҳим роль ўйнади ва ҳозир ҳам шундай ролни ўтамоқда, деб таъкидланди. Шу билан бирга матбуотимизнинг заифликлари, ижтимоий ҳаётнинг янги формаларини ўзлаштиришдек мураккаб ва қийин ишни ёритишда билимдонлик ва амалийлик етишмаётганлиги жуда сезилиб турганлиги ҳақида гапирилди. Оммавий ахборот воситаларининг фаолиятини яхшилаш учун КПСС Марказий Комитети яқинда қабул қилган «Марказий партия матбуотини қайта қуришнинг баъзи масалалари тўғрисидаги қарор ҳатта аҳамиятга эгадир.

Матбуотимизни ҳақиқатан ҳам халқ матбуоти, деб аташ мумкин. Бугунги кунда ўқувчилар матбуотга жуда қизиқмоқдалар. Одамлар жуда кўп долзарб муаммолар хусусида чуқур мулоҳаза билан сўз юритилишини кутмоқдалар. Ҳа, амалий хулосалар чиқарилган худди ана шундай таҳлилни кутиб турибдилар.

В. И. Ленин газеталаримиз учун асосий мавзу деб атаган иқтисодий мавзуни олайлик. Бу борада сўнгги даврда анчагина янгиликлар пайдо бўлди: ижара, ўзини ўзи пул билан таъминлаш, кооперация, хўжалик ҳисобини кенг қўлланда жорий этиш шулар жумласидандир. Аммо, нега энди ижара корхоналар ва хўжаликларда жуда суст, ёки жорий этилмоқда? Нега энди кооперативлар одамларга қар жиҳатдан ҳам мақбул бўлаётгани йўқ? Кўпчилик газеталарда ана шу саволлларга чуқур жавоб йўқ, улар муаммоларни қайд этиш билангина чекланмоқдалар. Жуда кўп ўткир муаммолар тўпланиб қолган иқтисодий соҳани ёритиш ҳақида ҳам ҳудди шу гапни айтишга тўғри келади. Матбуот ана шу масалаларни ҳал этиш йўлларини етарлича фаоллик билан қидираётгани йўқ. Кўпчилик газета-журналларда партия турмушини ёритишда ҳам сийқаси чиққан услублардан фойдаланмоқдалар, партия турмушини қайта қуриш эса, маълумки, жамиятни қайта қуришдан орқада қолмоқда.

Айни вақтда бизга маълумки, барча йўналишларда ҳам олдинга чиқиб олган коллективлар ва ҳатто бутун-бутун районлар, областлар бор. Улар иш тажрибасини чуқур ва яққол очиб бериш керак, токи бу тажриба бошқалар учун ишончли сабоқ бўлсин, бу матбуотнинг энг муҳим вазифасидир. Бу озиқ-овқат муаммосини ҳал этишга биринчи галда дахлдордир. Маълумки, ҳатто қўшни районларда ҳам маҳсулот билан таъминлаш бир хил бўлмайди, баъзан эса бир-биридан кескин фарқ қилади. Газеталар илғор тажриба ҳақида сўзлаб бериш аётган экан, кейинчалик улар ана шу тажриба бошқа жойларда қандай жорий этилаётганини кузатиб боришлари, бу ишни ўз назоратлари остига олишлари, реал ва сезиларли силжишларга эришишлари муҳимдир.

Бугун журналистлардан биринчи навбатда изчиллик ва қатъият талаб этилмоқда. Агар бирон-бир фойдали ташаббус бошланган бўлса, ишни охиригача етказиш муҳимдир. Тажрибани тарғиб қилишда ҳам, таниқлда ҳам шундай бўлиш керак. Кўпинча таниқлд ҳозирча самарасиз бўлмоқда, ву боисдан ҳам ўқувчиларнинг бундан ихлослари қайтмоқда. «Мақола тўғри чиққандай, — деб ёзишибди улар, — аммо ҳеч ким жавоб берганн йўқ, натижа ҳам сезилмаяпти». Ўз-ўзидан савол туғилади: нега энди бундай ҳолларда партия комитетлари пассивлик қилмоқдалар!

Матбуотга партиявий раҳбарликни кучайтириш ҳозирги кунининг жиддий масалаларидан биридир. Ахир бу раҳбарликни ҳеч ким бекор қилганн йўқ-ку. Айни вақтда шундай таассурот пайдо бўляптики баъзи жойларда партия комитетлари ана шу жуда муҳим ишдан ўзларини четга олмоқдалар, бу юмушни ўз ҳолига ташлаб қўймоқдалар. Норасмий деб аталмиш нашрларнинг пайдо бўлганлиги буннг далилларидан биридир. Улар орасида табиатни ҳимоя қилиб ёки асоси-атиқаларини ўз муҳофазасига олиб, фойдали иш қилаётганлари ҳам бор. Аммо шулар орасида бошқачароқ нашрлар ҳам учраб турибди. Уларнинг мазмунини партияга қаршн, миллатчилик руҳида деб айтишдан бошқа илож йўқ. Таҳ қоладигаи ери шундаки, мазкур нашрлар баъзан партия босмахоналарида чоп этилмоқда.

Матбуотга партиявий раҳбарлик нозик ишдир, албатта. Чеклаб қўйиш ёки йўл қўйилган хатоларни кўрсатишнинг ўзи билангина раҳбарлик амалга ошавермайди. Журналистларни мунтазам хабардор этиб турган, уларнинг ўқувини йўлга қўйган, энг яхши тажрибе тўпланган хўжаликларни айтиб бераётган ва таниқлдинг таъсирчанлигини таъминлашга ёрдам бераётган партия комитетларн тўғри қилмоқдалар.

Вақтли нашрларга обуна қизғин тус олиб бораётган ҳозирги паллада ўқувчилар ана шу нашрлар тўғрисида жуда кўп истаклар билдирмоқдалар. Бу истакларнинг айримлари ҳақида юқорида айтиб ўтдик. Бошқа истаклар ҳам, хусусан, «Правда» шаҳрига айтилган тилаклар ҳам бор. Газетада бўлган яхшилик сари ўзгаришларни таъкидлаб, «Правда»нинг кўпгина мақолаларини қўллаб-қувватлаб, одамлар анчагина маслаҳатлар ва истакларни билдирмоқдалар. Бу ўринда гап ошкоралик ва фикрларнинг хилма-хиллиги руҳида мунозарали материалларни кўпроқ эълон қилиш ҳақида бормоқда. Редакция кўпни кўрган одамларни — энг яхши партия раҳбарлари ва хўжалик ходимлари, колхозчилар ва ишчилар, машқур ёзувчилар, олимлар ва артистларнинг мақолаларини кўпроқ ёритсин, деган таклиф бор. Мафкуравий иш муаммолари, бошланғич партия ташкилотларининг турмуши кўпроқ ёритилсин, деб истак билдирилмоқда. Ўқувчилар газетадаги жанрлар хилма-хил бўлишини истайдилар.

Дарҳақиқат, редакция шу ва шунга ўхшаш таклифларни ҳисобга олиш ва рўёбга чиқаришга ҳаракат қиладн. Журналистлар олдида матбуотнинг партиявийлиги ва ғоявийлиги тўғрисидаги ленинча принципларга қатъият билан амал қилиб, ижодий иш мезонларини яна ҳам юксакроқ савияга кўтариш, барча юмушларда замон руҳига — қайта қуришнинг инқилобий руҳига ҳамнафас бўлишдек вазифа турибди. Бу борада матбуотнинг имкониятлари чексиздир, десак бўлади.

(«Правда» газетасининг 1989 йил 10 августдаги бош мақоласи).

ИНТИЗОМ ВА УЮШҚОҚЛИК

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЙИЛИ ТАҚДИРИНИ, ҲОСИЛ ТАҚДИРИНИ ҲАЛ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида агросаноат комплекси ишини, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил этишни янада яхшилаш, пахта терими мавсумига тайёргарлиқ масалаларига бағишлаб селектор орқали кенгаш ўтказилди, унда партия ва совет ходимлари, мутахассислар, хўжаликларнинг раҳбарлари қатнашдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **И. А. Каримов** кенгашни очиб бундай деди:

— Бу йил деҳқонларни эркалатиб қўйгани йўқ. Аммо объектив қийинчиликлар тўғрисида гапирганда, ҳар қандай қийинчиликни енгиб ўтиш мумкинлигини унутмайлик. Бунинг учун барча хизматлар ва ходимларнинг интизом ва уюшқоқлиги, инсонга, унинг эҳтиёжлари ва , орзу-умидларига доимий эътибор бериш зарур.

Келинглар, шу нуқтаи назардан пахта далаларида ва сабзавот экилган майдонларда қилинган ишларга таниқидий назар ташлайлик, республика Агросаноат давлат комитети, унинг жойлардаги органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини яна бир бор кўриб чиқайлик. Бу ишларга таниқидий қараш хатоларимиз ва нуқсонларимизни пухта таҳлил этиб, уларни бартараф қилишга ёрдам беради.

Областлар, районлар ва хўжаликларнинг раҳбарларига сўз берамиз. Уларнинг фикрини эшитайлик.

* * *

С. Мамарасулов — Сурхондарё область партия комитетининг биринчи секретари:

— Ҳақиқатан ҳам бу йил деҳқонлар учун жуда қийин келди. Баҳорнинг чўзилиб кетиши, совуқлар шунга олиб келдики, область пахтакорлари 84 минг гектар ерга чигитни қайта экишга мажбур бўлдилар. Ана шу майдонларда ғўза ривожи 20—25 кун кечикиб қолди. Бу кечикишни тугатиш учун ҳозир бутун кучимизни сарфлаяпмиз, агротехниканинг барча усулларидан фойдаланяпмиз, лекин олдимизда турган вазифа жуда оғир. Ғўза минерал ўғитлар билан уч марта озиқлантирилди, экинларга қўшимча сув таралди.

Ғўзанинг ривожланишидаги аҳволни яққол тасаввур қилиш учун бир мисол келтираман. Ўтган йили ғўза учини чилпишни 22 июлда бошлаган эдик. Бу йил эса бу тадбирни 20 августдан олдин бошлай олмаймиз, яъни бир ой кечикиб амалга оширамиз.

Бизнингча, агротехника қоидаларига аниқ риоя қилиш ғўзанинг ривожланишини жадаллаштиради. Вегетация даврининг охиригача яна икки марта культивация ўтказмоқчимиз. Областдаги ҳамма пахтакорлар шу мақсадни кўзлашаяпти.

Экология вазиятини соғломлаштириш учун қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашнинг биологик усулларидан кенг фойдаланяпмиз. Ҳозир деярли ҳар бир хўжаликда биология лабораториялари, баъзи жойларда эса биофабрикалар мавжуд.

Йиғим-теримга тайёргарлик ёмон эмас. Тўғри, эҳтиёт қисмларнинг етишмаслиги ишга тўсқинлик қилмоқда, ёнилғи билан таъминлаш ҳам яхши эмас. Шунга қарамай, пахтакорлар ҳосилнинг анчагина қисмини механизация воситалари билан йиғиштирий олишмоқчи, пахта теримига мактаб ўқувчиларини жалб қилмаймиз, деб одамларга ваъда берганимиз етар. Ваъдани бажариш пайти келди.

Ва ниҳоят охирги масала. Бу йил мева ва узум ҳосили кутганимиздан зиёда бўлди. Мамлакат марказининг ўзига саккиз минг тоннадан кўпроқ мева жўнатдик. Ҳосилнинг бир қисмини тошкентликларга етказиб бергансак, ёмон бўлмасди. Лекин бу ишга дахлдор бўлган кишилар ана шу масала билан шуғулланмаяпти. Ҳолбуки, областда омборлар, қайта ишлаш корхоналари етишмаслиги яққол сезилиб турибди. Шу аҳвол давом этаверса, қийинчилиқ билан етиштирилган ҳосилнинг анчагина қисмини нобуд қилиб қўйишимиз мумкин.

Б. Матиқўбов — Қорақалпоғистон АССР Элликқалъа районидаги Ленин номли колхоз раиси:

— Жанубий областда ишлаётган Солижон ака ғўза ривожланишдан орқада қолмоқда, деб шикоят қилаётган бўлса, биз, шимолдаги республиканинг аҳолиси нима ҳам дейишимиз мумкин. Бизда ҳам хатарли аҳвол вужудга келди. Бунинг устига сув таҳчил.

Аммо биз афсусланмаймиз. Ҳозир ҳамма жойда ғўзага ишлов бераяпмиз, экинга ўғит солдик, энди ғўзалар яхши ривожланмоқда.

Ҳозир эса терим техникасини ремонт қилиш учун катта-катта кучларни сафарбар этдик. Ҳозирги вақтда дала ишларидан бўш бўлган барча механизаторлар ремонтчиларга ёрдам беришмоқда. Машиналарнинг ярмидан кўпроғи ҳозирданоқ тахт қилиб қўйилди. Эҳтиёт қисмлар — подшипник ва шпинделлар бўлса, барча агрегатлар теримга тахт қилиб қўйилган бўлур эди. Биз республика Агросаноат давлат комитети бу борада ёрдам беришини сўраймиз.

Ғўза парваришини сентябрь ойининг дастлабки ўн кунлигида ҳам давом эттирмоқчимиз. Шундай қилинмаса, ҳосилнинг бир қисми нобуд бўлади. Яна бир нарса: самарали дефолиант йўқлиги бизни ташвишлантирмоқда. Бу йил дефолиациялаш муддатлари бирмунча кеч белгиланган. Ўзингизга маълумки, ҳаво ҳарорати бир мунча паст бўлади. Бундай ҳароратда магний хлоратининг самараси яччалик яхши бўлмайди.

Колхозда йиғим-терим графиги ишлаб чиқилган. Графикка мувофиқ, биз теримни 5 октябргача тугаллашимиз керак. Ўйлайманки, биз буни уддалаймиз ва ўз қаторимизнинг устидан чиқамиз.

М. Рўзматов — Тошкент область, Ўрта Чирчиқ районидаги Оҳунбобоев номли колхоз раиси:

— Бу ерда ҳозирги қишлоқ хўжалик мавсуми қийинчиликлари тўғрисида кўп гапирилди. Аммо мен шундай савол бермоқчиман: пахтакорлар учун қачон йил жуда қулай келган? Мен бундай йилни эслай олмайман. Ғоҳ баҳордаги совуқлар, ғоҳ жазирама, ғоҳ сувнинг етишмаслиги ўсимликнинг ривожланишига тўсқинлик қилади... Ҳаммасини санаб тугатиш қийин.

Бу йил ғўзанинг ривожи тахминан ўн беш кун кечикди. Бу кам эмас. Шунга қарамай хўжалигимизнинг меҳнатчилари йиғим-теримни уюшқоқлик билан ўтказиб, режалаштирилган ҳосилни олишларига ишончлари комил.

Афсуски, пахтакорлар бир мавсум ташвиши билан яшайдиган бўлиб қолишди, ҳеч бўлмаганда яқин келажакка назар солишга, беш йилдан кейин нима бўлади, деб савол беришга уринадиганлар жуда кам. Планлаштирувчи органлар ҳам тахминан шундай иш тутишмоқда, ҳосилдорлик кўрсаткичлари эришилган даражага қараб юқоридан белгилаб берилади. Бундай ҳосилни қандай қилиб ва нималар эвазига олиш керак? Бу ҳеч кимни қизиқтирмайди.

Ҳозир республикада пахта майдонлари анча қисқартирилган. Бўшатиб олинган ерларга бошқа экинлар экилди. Аммо план амалда олдинги даражада қолиб кетди. Бизнинг хўжалигимизни олиб кўринг. Планни уддалаш учун ҳар гектар ернинг унумини ошириш зарур. Бу рентабелликнинг бирдан-бир йўли. Аммо бу йўл деҳқон учун фойдалими?

Чунки илгари пахтакорлар планга қўшимча топширган ҳосил учун иш ҳақига салмоқли қўшимча олар эдилар. Тўла куч билан ишлашга рағбат бор эди. Ҳозир эса деҳқонларнинг резерви қолмади, ҳисоб. Гапимни тушунинг, бор кучни сарфлаб ишлаш эвазига кам ҳақ олинар экан, бундай ишлаб бўлмайди.

Ҳосилни планлаштиришга ёндашувни ўзгартириш зарурати етилди. Ерларнинг ҳолатига баҳо бериш пайти келди. Мисол учун, агар пайкал барча талабларга жавоб берса, тупроқ етарли миқдорда намланса, бундай ерларга планни юқори қилиб белгилаш зарур. Шўр ерлар, тошлоқ ерлардачи? Бундай ерларда қанчалик меҳнат қилмагин етарлича самара ололмайсан. Менимча бу соҳада «Ўзгипрозем» институти мутахассислари ва деҳқонларнинг ўзлари жиддий иш олиб боришлари керак. Тупроқ унумдорлигини кўз билан чамалаб белгиланганимиз етар. Аниқ, холисона таҳлил керак. Ернинг имкониятлари ҳам чегарасиз эмас.

Селекциячиларга катта эътирозларим бор. Ҳозир вилт туфайли ғўза навини тез-тез алмаштиришга тўғри келаяпти. Аммо янги навнинг олимлар айтган ҳосилдорлигига амалда ҳеч эришиб бўлмаяпти. Илмий фаразлар бошқа-ю, амалий натижалар бошқа. Шундай экан, ҳосилдорликни олдиндан ошириб белгилаш, деҳқонларга қўшимча қийинчиликлар яратиш керакмикин?

Хўжалигимиз йиғим-терим мавсумига аллақачон тайёр бўлган. Барча техника ремонтдан чиқарилган, шуни ҳам айтиб қўяй, 1969 йилда чиқарилган пахта териш машиналарини ишлатаяпмиз. Чакки эмас, шикоят қилмаймиз, уларни бундан кейин ҳам ишлатиш мумкин. Лекин бунинг учун яна ўша муаммони ҳал қилиш керак — эҳтиёт қисмлар, айниқса шпинделлар, подшипниклар, аккумуляторлар йўқ, ёнилғи билан таъминлаш қийин бўлаяпти. Булар энг муҳим муаммолардир. Уларни тезроқ ҳал этиш талаб қилинади. Ана ўшанда мамлакатга мўл пахта ҳосили етказиб берилади.

Б. М. Олимжонов — Андижон область агросаноат комитетининг раиси:

— Областимиз деҳқонлари шу кунларда пахта далаларида зўр бериб меҳнат қилмоқдалар. Ғўзанинг ҳозирги аҳволидан қониқмаяпмиз. Ҳозир ҳар туп ғўзада ўртача учта ёки ундан сал кўпроқ кўсак бор. Далаларнинг бир қисмида ғўза сийрак.

Ғўзанинг кечкилиги баҳорёз ойларида об-ҳаво шароитининг ноқулай келганлиги билан боғлиқ. Ҳозиргача ғўзалар учун етишмаган самарали ҳарорат 179 даражани ташкил қилади. Жойларда барча агротехника усулларини ўз вақтида ўтказиш чоралари кўрилмоқда. Ўғит солиш муддатидан олдин — 10 июлдаёқ тугалланди.

Ғўзаси кечки бўлиб қолган пайкалларда экинга қўшимча ишлов берилмоқда. Ғўза ғовлаб кетишига йўл қўймаслик учун суғориш сифатига алоҳида эътибор бераяпмиз.

Ўсимликнинг ривожи турлича эканлигини ҳисобга олиб, ғўзанинг учи чилпиб ташланмоқда, бу усулни ўз вақтида амалга оширишга ҳаракат қилаяпмиз. Бу йилги ёзда ғўзанинг ўрта босқичдаги ҳосили сақлаб қолинганлиги қувончлидир.

Пахтаэзларнинг кўп қисмида «Қирғизистон—3», «Андижон—9», «С—65—24» тезпишар навлар етиштирилмоқда. Бинобарин, мўл ҳосил оламиз деб умид қилмоқдамиз.

Ҳосилни машиналар билан йиғиштириб олишга зўр бериб тайёргарлик кўрмоқдамиз. Терим техникасининг 90 процента ремонт қилинди, ғўза баргини тўкишга тайёргарлик тугалланмоқда.

Чорвачилик масалалари ҳам эътибордан четда қолгани йўқ. Давлатга сут, тухум, жун топшириш йиллик планлари бажарилади.

Ғаллакорлар гектаридан 38,8 центнер дон олдилар. Маккажўхори донини йиғиштириб олиш бошланди. Аммо, сабзавот-мева ҳамда қовун-тарвуз тайёрлаш суръатдари ўтган йилдагидан орқада қолмоқда. Ҳолбуки, далаларда яхши ҳосил етиштирилган.

Жамоат чорва моллари қишлоғига пухта тайёргарлик кўриш билан бирга область аҳолиси шахсий хўжаликларида чорвачиликни ривожлантириш тўғрисида ҳам жон куйдирилмоқда: колхозлар ва совхозлар гражданларнинг кичик фермалари учун беда пичани ва сомон беришни йўлга қўйдилар.

Биз жойларда ташкилотчилик ишларини ҳам кучайтиришимиз ва ҳамма жойда барча даражадаги талабчанликни оширишимиз зарур.

М. Х. Халилов — Ғиждувон район партия комитетининг биринчи секретари:

— Қишлоқ меҳнатчиларитиним билмай меҳнат қилмоқдалар. Масалан, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 16 процент кўп сут етиштирилди. Сабзавот, қовун-тарвуз, мева ҳосили ҳам чакки эмас.

Район пахтакорлари бу йил давлатга 48 минг тонна пахта топширишга аҳд қилганлар. Табиат инжиқликлари, сувнинг камчиллиги етказган катта зарар уларнинг бутун эътиборини ғўза парваришига қаратишга, агротехника қоидаларига пухта риоя қилишга мажбур этди. Улар қатор ораларига ўртача етти марта ишлов бердилар, ғўза қўшимча озиқлантирилди. Парваришни 10 сентябргача давом эттириш тадбирлари белгиланди.

Районимиз ҳозиргача планда кўзда тутилган сувнинг 74 процентнигина олди. Сув етишмаслиги сабабли ташлама сувдан ҳам фойдаланаяпмиз. Лекин ижарачилар ва пудратчилар бундай аҳволдан норози бўлмоқдалар. Сув етишмаслиги сабабли ана шу тоифадаги ходимлар келгуси йилда сувни кўп талаб қиладиган экинларни етиштиришдан бош тортишлари мумкин. Шу сабабли, тегишли идоралардан август ойида лимитда кўзда тутилган сувни беришни илтимос қиламиз.

Йиғим-теримга оз қолди. Ниятимиз уни механизациялашган усулда ўтказишдан иборат. Машиналаримиз етарли, лекин эҳтиёт қисмлар етишмаяпти. Ёнилғи эса деярли йўқ. Ана шу муаммони ҳам ҳал қилишда ёрдам беришни сўраймиз.

М. Шодиев — Каттақўрғон район партия комитетининг биринчи секретари:

— Биз чигитни икки марта экдик. Ҳозир ғўза ривожи камида икки ҳафта кечиккан. Сув етишмаётганлиги бизни айниқса ташвишга солмоқда. Ҳеч қачон сув бу қадар камчил бўлмаган эди. Ҳосил тўплаш суръатининг пастлиги ҳам ана шундан: ғўза тупларида атиги 3-4 тадан кўсак бор. Чеканкани ғўза яхши ривожланган жойлардагина ўтказаяпмиз.

Самарқанд ва Навоий меҳнаткашлари пахтакорларнинг юқори унум билан меҳнат қилиб, яхши дам олишлари учун шароит яратишда катта ёрдам беришмоқда. Ремонтчилар группалари ишига шаҳарлик мутахассислар кўмаклашмоқдалар. Барча қийинчиликларга қарамай, бу йил планни бажаришимизга ишонамиз.

М. Шербўтаев — Фарғона область Қува районидаги «Коммунизм» колхозининг раиси:

— Йил жуда қийин келди. Лекин биз барча қийинчиликларга дош бердик. Аммо ғўза жуда кечки бўлиб қолди. Фарғона водийсида кечки пахта — фожиадир.

Августда нима қилишимиз керак? Ғўза ривожланишидаги кечикишни бартараф этиш лозим. Бунинг учун энг аввало деҳқоннинг меҳнатига яхши ҳақ тўлаш, унга барча шарт-шароитларни яратиб бериш лозим. Биз шундай қилишга уринаяпмиз. Шийпонларда дам олиш учун ҳамма нарса муҳайё. Якшанба куни ишловчиларга 50 процент қўшимча ҳақ тўланмоқда, илғорларга дам олиш учун текин йўлланмалар бераяпмиз.

Фарғона ерлари чарчаган. Шу боисдан пахта майдонларини қисқартириш тўғрисидаги қарор ўз вақтида қабул қилинган чора бўлди. Пахтадан бўшаган ерларда боғ барпо этаяпмиз, озуқа экинлари етиштираяпмиз.

Пухта ўйламай сув омборлари қуриш ер ости сувларининг кўтарилишига олиб келди. Зовурларни тозалаш керак, тозалаш учун бизда экскаваторлар йўқ.

Ш. А. Акмалхонов — ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими раиси:

— Бу йил пиллачилик учун ниҳоятда оғир йил бўлганини биласиз. Ваъзилар кўрилган зиённи ҳисоблаб юришди, кўпгина хўжаликлар эса ана шундай шароитда уюшқоқлик билан, аҳил бўлиб ишлаб, топширқни шараф билан бажардилар. Мен буни бежиз эслатганим йўқ. Ҳозир барча деҳқонлардан ана шундай ёндашув талаб этилади. Шундай қилсак, сув таҳчиллиги ҳам пировард натижаларга таъсир этмайди.

Ҳозирча республикада 2 миллион 843 минг тонна дағал хашак ва похол тайёрланди. Бу ўтган йилнинг август ойи бошларида бўлганидан қарийб 1 миллион тонна камдир. Сепилган ўтларни йиғиб олишда ҳам кечикмоқдамиз. Шартли чорва мол бошига ҳисобланган йил охирига қадар 13,7 центнердан озуқа бирлиги ғамлаб қўйилиши керак. Амалда эса ҳозирча 5,5 центнердан жамғарилди, бу ҳам ўтган йилги даражадан камдир. Бу ўринда беданинг учинчи ўрими кечикаётганлиги ҳам таъсир қилмоқда. Бу ўрим жами майдонларнинг фақат 56 процентида ўтказилди. Оқибатда ҳосил батамом йиғиб олинмаяпти, тўртинчи ўрим муддатлари кечикмоқда. Бунинг устига беда гуллай бошламоқда ва тўйимлилик хусусиятларини йўқотмоқда.

Шунинг учун ҳам ҳозир бедазорларни ҳафсала билан парваришлаш қилиш керак. Сув тежаб-тергаб сарфланса, сув таҳчил йилда ҳам дуруст натижаларга эришса бўлади. Ўсимликлар сувни етарлича олишлари керак. Агар ҳосилдорликни ошириб, ҳар қўшимча бир гектар ердан бир тоннадан беда ўриб олинса, бу билан дағал хашак тайёрлашдаги қолоқликни тенг ярмига қисқартириш мумкин. Беда уруғчилиги майдонларида ишни жадаллаштириш, тез суръатлар билан йиғиб-териб олиш — буларнинг ҳаммаси ҳам резервлардир. Вобкентдаги Калинин номли колхоз деҳқонларининг тажрибасига эътибор бериш зарур. Улар август ойида беда экмоқдалар, бу эса кузда ана шу майдонларда биринчи бор уни ўриб олишга имкон яратади, эрта баҳорда фермаларга тўйимли юқ озуқа етказиб берилади. Экишнинг шу усули қўлланилганда бир йилда гектаридан 250 центнердан беда йиғиштириб олиш мумкин.

Маккажўхори кўкпоясидан силос бостиришдаги аҳвол оғир бўлса ҳам, лекин бу ишнинг уддасидан чиқса бўлади. 3 миллион 628 минг тонна силос тайёрлаш талаб этилади, , аммо асраш учун ҳозиргача шу миқдорнинг 2 процентигина бостирилди. Бу иш учун хандақларни тайёрлайдиган ва уларни сувайдиган махсус отрядлар ташкил этиш керак. Маккажўхорини думбуллигида йиғиштириб олган маъқул. Аммо барглар сарғаймаслиги, далалар топтоза қилиб йиғиштириб олиниши керак. Силос бостирилаётганида уларни яхшилаб шиббалаш ва устини ёпиш керак.

(Давоми 2-бетда).

СССР Министрлар Советида

СССР халқ депутатлари съездининг қарорига биноан СССР Министрлар Совети 1989—1990 йилларда чет эллардан дон ва озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилиш қисқартирилганлиги муносабати билан бўшаб қоладиган валютага юқори сифатли буғдой, дуккакли дон ва мойли экинлар уруғини давлатга сотишни рағбатлантириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Қарорда хўжаликларнинг давлатга эркин муомалада бўладиган валютага қаттиқ дон (юқори сифатли) ва бақувват буғдойнинг ҳар тоннасига ўртача 60 сўм, мана шу экиннинг энг қимматли навлари учун 40 сўм, нўхот ва люпиннинг ҳар тоннаси учун 80 сўм ҳамда мойли экинлар (кунгабоқар, соя, рапс, қўзиқорин ва хантал) уруғининг ҳар тоннаси учун 90 сўм ҳисобидан тўлаш шарти билан сотиш борасида 1989—1990 йилларда тажриба ўтказиш кўзда тутилган.

Буғдойнинг қаттиқ (юқори сифатли), бақувват ва энг қимматли навлари давлатга галла топшириш юзасидан ўн биринчи беш йиллик ўртача даражасига қўшимча равишда сотилган; нўхот ва люпин давлатга 1986—1988 йилларда эришилган ўртача йиллик даражага қўшимча равишда сотилган; кунгабоқар, соя, рапс, қўзиқорин ва хантал уруғи умуман мойли экинлар маҳсулотини топшириш юзасидан 1986—1988 йилларда эришилган ўртача йиллик даражага қўшимча равишда сотилган ва бақувват буғдойнинг ҳар тоннасига ўртача 60 сўм, мана шу экиннинг энг қимматли навлари учун 40 сўм, нўхот ва люпиннинг ҳар тоннаси учун 80 сўм ҳамда мойли экинлар (кунгабоқар, соя, рапс, қўзиқорин ва хантал уруғи умуман мойли экинлар маҳсулотини топшириш юзасидан 1986—1988 йилларда эришилган ўртача йиллик даражадан кам бўлмаган ҳажмда шу маҳсулотларни етиштиришни таъминлаган тақдирда уларга эркин муомаладаги валюта билан ҳақ тўланади, дейилади қарорда.

Колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарининг давлатга буғдой, нўхот ва люпин, мойли экинлар донини эркин муомалада бўладиган валютага ёки уларга белгиланган қўшимча ҳақ ҳисобига олинган харид нархларида сотиш тартибини ўзлари мустақил белгилаши айтилган.

Эркин муомалада бўладиган валютага давлатга сотилган мойли экинлар уруғи эвазига кунжара сотилмайди.

Сўнгра қарорда агар дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш бирлашмалари қўшимча миқдордаги дон ва мойли экинлар уруғи мазкур қарорда кўрсатилган шартларда сотилганлигини ҳамда улар давлат ресурсларига тайёрлаш чоғида сифати жиҳатидан мавжуд талабларга жавоб беришини тасдиқласалар, колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарига чет эллардан галла, мойли экинлар уруғи ва

(Давоми 3-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Қува шаҳрини областга бўйсунувчи шаҳарлар қаторига киритиш тўғрисида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарор қилади:

Халқ депутатлари Фарғона область Совети ижроия комитетининг Қува районидаги Қува шаҳрини областга бўйсунувчи шаҳарлар қаторига киритиш тўғрисидаги илтимоси қондирилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. ИБРОҲИМОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Л. БЕККУЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри,
1989 йил 10 август.

СОВЕТ ПАРЛАМЕНТИ ҲОЗИР ВА КЕЛАЖАКДА

А. И. Лукьяновнинг ТАСС парламент мухбири саволларига жавоблари

САВОЛ. Шундай қилиб, СССР Олий Советининг биринчи сессияси тугади. Агар эсингизда бўлса, халқ депутатлари съездидан кейин Олий Совет бундай составда муҳим масалаларни ҳал қилишга қодир эмас, деган гаплар бўлган эди. Бу тахминларни ҳаёт рад этдими? Янги совет парламенти иши натижаларини сиз қандай баҳолайсиз?

Жавоб. Сессиянинг сиёсий аҳамиятини М. С. Горбачев ўзининг якунловчи нутқида белгилаб берди. Мен аввало шуни таъкидламоқчиманки, СССР Олий Советининг ишини сиёсий ислоҳотнинг бутун жараёнидан алоҳида баҳолаш мумкин эмас. Қонун чиқарувчи, фармойиш берувчи ва назорат қилувчи олий органнинг сессияси — ана шу жараённинг узвий ва ғоят масъулиятли бўғинидир. Қандайдир даврда мамлакатимиздаги барча ижтимоий-сиёсий турмушнинг оғирлик маркази шу ерга, Олий Советга кўчди. Шу жиҳатдан қараганда янги совет парламенти барпо этилиши билан боғлиқ умидларимиз оқланди, дейиш учун ҳамма асослар бор, деб ўйлайман.

Сессияда ҳамма иш силлиқ ўтди, деб бўладими? Йўқ. Муҳокама қилинган ҳамма масалалар баравар аҳамиятга эга, дейиш мумкинми? Йўқ, албатта. Бошланган, лекин охирига етказилмаган ишлар ҳам бўлдими? Шунақаси ҳам бўлди. Лекин, эҳтимол, ҳозир бу қадар қаттиқ талаб қилмаслик керакдир. Янги сифатга эга бўлган СССР Олий Совети вужудга келди, бу эса энг муҳими. У пировард натижада коллектив маҳоратни ҳамда вазиятга баҳо беришда, қонун лойиҳаларини таҳлил этишда, масъулиятли қарорларни пухталаштириш ва қабул қилишда профессионализмни намойиш этди.

Ҳеч бўлмаса ташкилий-фармойиш берувчи деб аталган масалаларни, аслида эса сессия ҳал қилган муҳим давлат масалаларини олиб кўрайлик.

Сессия Олий Советнинг комитетларини ва Олий Совет палаталарининг доимий комиссияларини тузди, СССР халқ депутатлари биринчи съезди топшириқларини амалга ошириш режаларини кўриб чиқди, топшириқлар эса оз эмасди. СССР Олий Совети Халқ контроли комитети, Олий суд, прокуратура, СССР давлат арбитражи коллегиялари каби энг асосий давлат органларини ҳам тузди. Қайси масалани олмайлик — уларнинг ҳар бири биз учун парламент фаолияти соҳасида мутлақо янги масала эди.

Олий Совет иши ва вақтининг ончагина қисми ўзингизга маълумки, ҳукуматни тузишга сарфланди. «Тузиш» деган сўз биринчи марта реал мазмунга эга бўлди. Қизғин баҳслардан кейин тасдиқланган министрлар жуда жиддий демократик имтиҳондан ўтиб, халқ вакилларидан ваколат олиб, парламент минбаридан мутлақо бошқа одам бўлиб тушишди.

Халқимиз-чи? Министрлар тўғрисида халқ олдин нималарни биларди? Сессияда министр лавозимига номзодлар бир неча соат давомида депутатларнинг саволларига жавоб берганини, ўз программаларини тақдим этганини, Олий Совет тармоқларнинг энг яхши раҳбарларини танлаб олганини энди одамлар ўз кўзлари билан кўрдилар. Аслида «икки томонлама» қаттиқ назорат бўлди. Лекин, менимча, ҳали бу ҳам кам. «Уч томонлама назорат» — парламент қабул қилган қарорлар қандай амалга оширилиши устидан назорат бўлиши керак. Эҳтимол, бу парламентнинг энг асосий вазифасидир.

Ҳукуматнинг тузилиши депутатларнинг ўзлари учун ҳам мактаб бўлди. Депутат Г. И. Фильшин айтганидек, бу бутун бир академия бўлди, мен бу фикрга қўшиламан. Назаримда депутатлар биринчи марта экономикамизнинг ҳар бир тармоғида нималар бўлаётганини аниқ ҳис этдилар.

Сессия қабул қилган қарорларни бир неча йирик мажмуага ажратиш мумкин. Булар экономика, иқтисодий ислоҳотни чуқурлаштириш масалаларидир. Сўнгра булар ижтимоий сиёсатни амалга ошириш билан бевосита боғлиқ масалалардир. Масалаларнинг учинчи мажмуаси — жойларда ҳокимиятни мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлардир. Жумладан, ижроия комитетларининг ҳисоботини эшитиш учун маҳаллий Советларнинг навбатдан ташқари сессияларини ўтказиш тўғрисидаги қарордир. Тўртинчи мажмуа — социалистик қонунчиликни мустаҳкамлаш ва хусусан, жиноятчиликка қарши курашни қатъиян кучайтириш тўғрисидаги қарордир. Ниҳоят, халқаро муносабатлар соҳасига тааллуқли бир қанча ҳужжатлар қабул қилинди.

СССР Олий Советининг қайси қарорини алоҳида таъкидлаш керак? Бу аввало шу йилнинг 1 октябридан бошлаб гражданларимизнинг кам таъминланган тоифаларига пенсиялар миқдорини ошириш тўғрисидаги қарордир. Агар Олий Совет фақат шу масаланинг ўзини ҳал қилганида (бу қарор бевосита 30 миллион кишининг тақдирига тааллуқлидир), шунинг ўзи ҳам парламент ишига ижобий баҳо бериш учун етарли бўлур эди.

Аммо Олий Совет ана шу қарорни қабул қилиш билан чекланиб қолгани йўқ. Халқ учун молларни ҳамда доридармонларни харид қилишни анча кўпайтириш тўғрисида ҳам қарор қабул қилинди. Студентларни муддатидан олдин армия ҳизматидан бўшатишга қарор қилинди. Мамлакат ижтимоий ҳаётининг турли соҳаларини тартибга солиши лозим бўлган бир қанча бошқа қарорлар қабул қилинди. Мен уларни санаб ўтирмайман. Шундай тартиб қарор топдики, амалда Олий Совет мажлиси кун тартибидаги деярли ҳар бир масала у ёки бу комитетда ёхуд комиссияда олдиндан кўриб чиқилди, деб таъкидлаш мумкин. Бу комитет ва комиссияларда билимдон, ўз касбини яхши эгаллаган кишиларнинг тўпланганлиги келгуси ҳам қонун лойиҳаларини, қарорларни пухта ишлаб чиқишга, шунингдек асосли хулосаларни парламент муҳокамасига тақдим этишга имкон беради.

Шундай қилиб, менимча, Олий Советнинг комитетлари ва Олий Совет палаталарининг доимий комиссиялари тобора кўпроқ даражада парламентимизнинг ўзига хос лабораторияларига, синов базаларига айланмоқда. Бу — мамлакат ва халқ ҳаётига тааллуқли жуда кўп катта муаммоларга ёндашувлар пайдо бўлаётган ва синаб кўрилаётган бўғиндир.

САВОЛ. Депутатлар бир неча ҳафта давомида мамлакат ҳаётининг муҳим масалаларини муҳокама қилиш билан банд бўлдилар. Улар миллатлараро можаролар, шахтёрларнинг иш ташлашлари давомида Кремлда пайдо бўлган муаммоларни ҳал қилишга қай даражада кўмаклашдилар? Сессияда тузилган, воқеа юз берган жойга жўнаб кетган депутатлар комиссияларининг фаолияти самараси қандай бўлди?

Жавоб. Олий Советнинг аъзолари, сессия ишида фаол қатнашган халқ депутатлари у ёки бу воқеаларга нисбатан ўз фикрларини дарҳол билдирганликларини айтиб ўтишим керак. Улар Кузбассга, Донбассга, Воркутага ҳамда мамлакатнинг бошқа «қайноқ» нуқталарига учиб боришди. Жойларда уларнинг иштироки билан танг вазиятдан чиқишга, бу вазият тарқалишининг олдини олишга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқилди. Бундай ҳозиржавоблик ва тезкорлик умуман Олий Советнинг хусусиятига айланаётганлиги яхшидир.

СССР Олий Советининг кончиларнинг иш ташлаши билан боғлиқ мурожаатномаси халқ хўжалигининг бир қанча тармоқларидаги ва регионлардаги ишларнинг аҳволидан бизнинг умумий ташвишимизни кўрсатди. Бундан буён ҳам парламентнинг эътибори экономиканинг асосий вазифаларига, ижтимоий муаммоларга қаратилишига ишончим комил.

Бевосита коллектив низолар, уларни ҳал этиш тартибига келганда шуни айтиш керакки бу масалага доир қонун лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда. Яқин вақт ичида у матбуотда эълон қилинади.

Энди миллатлараро ишлар тўғрисида. Маълумки, бу хусусда СССР халқ депутатлари съезди бир неча топшириқ берган эди. Тегишли комиссиялар ишни давом эттирмоқда. Уларнинг иши тўғрисида олдиндан гапириш учун ҳеч қандай асосимиз йўқ. Келинг, сабр қилайлик.

Олий Совет Тоғли Қорабоғ юзасидан, месхети турклари, қрим татарлари, совет немислари муаммолари юзасидан бир қанча комиссиялар тузди. Ана шу муаммоларнинг ҳар бири кўп йиллик тарихга эга, ҳар бири ўткир ва қийин муаммо бўлиб, ҳар томонлама ўйлаб кўришни тақозо этади.

Комиссияларнинг дастлабки мажлислари бўлди. улар жойларга жўнаб кетишди. Масалан, Тоғли Қорабоғ автоном области хусусида ташкил этилган ва С. И. Манякин бошчилик қилаётган комиссия Тоғли Қорабоғда бир неча кун бўлди, юзлаб одамларнинг — ҳам арманлар, ҳам озарбайжонларнинг фикрини эшитди. Ана шундай вазиятда бир хил қарорга келиш осонми? Комиссиянинг иши давом этмоқда.

Бошқа комиссиялар ҳам ишни давом эттираяпти. Улардан дарҳол қарорлар қабул қилиш ва тавсиялар беришни талаб этиш жозибали бўлса ҳам, реал эмас, албатта. Халқ депутатлари зўр бериб иш олиб боришмоқда, биз, чамаси, кузги сессиядаёқ уларнинг хулосаларини эшитамиз. Ҳозир эса ана шу масалаларда вазмин бўлиш ва ақл-идрок билан иш тутиш муҳимроқ.

САВОЛ. Сессияда депутатларнинг ташкилий иши билан боғлиқ масалаларга кўп эътибор берилди. Олий Совет комитетларида, парламент иккала палатасининг комиссияларида бўлиб ўтган мунозаралар депутатларнинг фикрлари ва манфаатлари хилма-хиллигини кўрсатди. «Манфаатдошлар» группалари пайдо бўлди, регионлараро группа тузилди. Улар парламент фаолиятида қандай ўрин тутади?

Жавоб. Бу хусусда қуйидагиларни айтган бўлардим. Халқ депутатлари съездининг иши вақтида ва ундан кейин, Олий Советнинг сессиясида депутатларнинг хилма-хил группалари, бирлашмалари пайдо бўлди. Булар аграрчилар, экологлар, ишлаб чиқариш соҳасидан сайланган депутатлар, ёшлар группаси, «афғон» депутатлардир. Олий ва ўрта мактаб муаммолари билан боғлиқ депутатлар ҳам фаол ишладилар. Манфаатлари, касбининг умумийлиги билан боғлиқ бошқа группалар ҳам бор, бир-бирлари билан баҳслашиши, биргаликда ўйлаб кўриши лозим бўлган депутатлар группалари бор. Бу эса муайян фойда беркмоқда, баҳслар давомида ҳақиқатни аниқлашга имконият яратмоқда. Регионлараро депутатлар группаси пайдо бўлди, эсингизда бўлса, аввал бошда, съезднинг дастлабки иш кунларида уни «Москва группаси» деб аташган эди.

Бу группа қарорлар, ҳужжатлар, қонун лойиҳаларининг бошқа вариантларини тайёрлашни ўз мақсади деб эълон қилди. Равшанки, бундай режанинг ўзи ҳеч қандай эътироз уйғотмади. Бунинг устига съезд давомида ҳамда сессияда жуда кенг доирадаги масалалар юзасидан ўнлаб ўхшаш таклифлар киритилди. Агар қарорларнинг бошқа вариантларини ишлаб чиқишгина ана шу группанинг мақсади бўлса, бундай савол туғилади; группа фақат шу мақсад билан чекланиб қоладими, чунки унинг вакиллари, агар бошқа ҳаракатлар фойда бермаса, «кураш олиб боришга» тайёр эканликларини айтмоқдалар-ку?

Такрор айтаманки, депутат ёки депутатлар группаси нормал, амалий иш давомида ҳар қандай таклифларни киритишлари мумкин, бунинг учун бошқалардан қандайдир йўл билан ажралиш талаб қилинмайди.

Хуллас, бу соҳада равшан бўлмаган жиҳатлар кўп. Шу боисдан группалар қандай йўлда ҳаракат қилишини, уларнинг йўналиши қандай бўлишини кўриш керак. Хуллас, агар бу группа жамиятни парчалаб ташламаса, балки уни жипслаштириш ғоясига кўмаклашса, агар у турли «декчалар» учун эмас, балки умумий қозонни тўлдириш учун ишласа, у ҳолда группанинг куч-ғайратларини табриклаш мумкин бўлур эди.

Яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиман: мен турли нуқтаи-назарлар, фикрлар ва позицияларнинг мавжудлигини нормал, табиий бир ҳол деб биламан. Жипслашишга олиб борадиган йўл мулоқотни тўхтатиш орқали эмас, балки уни изга солиш орқали ўтади, лекин бу йўлда кескинликни, ишончсизликни, гуруҳбозликни кучайтирмаслик керак.

Шу муносабат билан Иван Алексеевич Бунининг хотираларидан бир сюжетни эслайман. Бунин икки қўшни заминдор «Уруш ва тинчлик» китобини қандай ўқигани ҳақида ҳикоя қилади. Улардан бири фақат «уруш»ни, иккинчиси фақат «тинчлик»ни ўқиган экан. Бири китобни ўқиётиб, урушга оид қисмини ташлаб кетар экан. Иккинчиси эса бунинг аксини қилар экан. Бизнинг ишимизда ҳам бўзлан шунга ўхшаш ҳоллар бўлаяпти. Биз ана шундан тезроқ ҳоли бўлишимиз керак.

САВОЛ. Вақт тез ўтиб бормоқда, парламент таътили ҳам тугайди, бу таътил депутатлар учун беташвиш бўлмайдиганга ўхшайди — улар дам олиш вақтида ҳам ишлашларига тўғри келади. Маълумки, 18 сентябрда ҳамма яна Москвада тўпланади. СССР Олий Совети фаолиятининг истиқболлари тўғрисида нима дейиш мумкин, кузда қандай асосий масалалар муҳокама қилинади?

Жавоб. Олий Совет аъзолари таътил пайтида бажариш учун каттагина «уй вазифаси» олдилар. Булар ўндан ортиқ қонун лойиҳаларидир.

Гапни сессия 1990 йил плани ва бюджети лойиҳаларини кўриб чиқишидан бошламоқчиман. Бунинг устига иқтисодий ривожланишнинг салбий тенденцияларини қатъиян тўхтатишни, молияни соғломлаштиришни кўзлаб муҳокама қилиш лозим. Бу жўн вазифа эмаслигини тушуниб турибсиз.

Бу ҳам ягона вазифа эмас. Депутатлар СССР халқ депутатлари съезди ва СССР Олий Совети регламенти лойиҳасини, халқ депутатлари мақоми, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ва маҳаллий хўжаликнинг умумий асослари тўғрисидаги қонунларнинг лойиҳаларини ўзлари билан биргаликда олиб кетишди. Бундан ташқари мулк тўғрисида, ер ва ердан фойдаланиш ҳақида, ижара муносабатлари тўғрисида, социалистик корхона ҳақида, пенсиялар тўғрисида, шунингдек маҳсулот сифати, ихтирочилик фаолияти ҳақидаги ва бошқа қонун актларининг лойиҳалари ҳам бор.

Хуллас сессияга тақдим этиладиган ҳужжатлар мажмуаси асосли тарзда тайёрланиши керак. Сессиянинг ўзи эса (буни унутмайлик) СССР халқ депутатлари иккинчи съездига ўзига хос тайёргарлиқ босқичи бўлади. Съездда юқорида санаб ўтилган масалалардан ташқари аввало халқ депутатлари биринчи съездида тузилган комиссияларнинг ахборотлари ҳам тингланади.

Умуман эса парламент фаолиятининг янги босқичи тағин ҳам самарали бўлишига қатъий ишонаман. Чунки энди биз ишни пойдевор қўйишдан бошламаймиз, пойдевор ётқизилган. Энди бинони тиклаш пайти келди.

ИНТИЗОМ ВА УЮШҚОҚЛИК

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЙИЛИ ТАҚДИРИНИ, ҲОСИЛ ТАҚДИРИНИ ҲАЛ ҚИЛАДИ

(Боши 1-бетда).

Дон учун маккажўхори етиштириш ҳақида гапириб ўтмоқчиман. Бу ерда ҳам сув тақчил. Сув бўлмаса, чангланиш сифатли ўтмайди, дон тўлиқ бўлмайди. Нечоғли қийин бўлмасин, бу аҳволдан чиқиш йўлларини топиш, экинларни суғориш керак. Айни вақтда оралиқ экинларини ҳам унутмаслик лозим.

Ниҳоят, сўнгги бир мулоҳаза. Чорва қишловига тайёргарлик қандай бораётгани текшириладиган пайтга 50 кун қолди. Расмиятчиликни йиғиштириб қўйиб, бу ишга амалий ёндашиш керак. Ҳозирнинг ўзидаёқ биноларнинг тешик-тирқишини ёпиш, уларнинг ремонтини бошлаш, ускуналарни созлаш керак. Бу ишларнинг ҳаммаси вақтида бажарилса, яхши самара беради. Ҳафсалани пир қилмаслик керак. Оғир шароитларда пиллачилар яхши ишлашди, ҳозир пахтакорлар яхши ишлашмоқда. Куч-ғайрат билан меҳнат қилинаётган ерларда пахта ҳосили яхши бўлади.

Б. Сериков — Мирзачўл районидаги Сегизбоев номли совхоз директори:

— Бизда ғўзанинг ривожи тахминан 10 кун кечикмоқда. Ёзнинг бошида кечикиш анча кўпроқ эди.

Олдинги йилларга нисбатан баҳор қийинчиликлари тўғрисидаги гаплар анча камайди. Марказдан бериладиган фармойишлар ҳам камроқ бўлиб қолди. Деҳқонлар учун энг асосий нарса — пировард натижа эканлигини тушуна бошлаганга ўхшаймиз.

Ўзгариб бораётган психологик вазият дала ишлари тактикасига ҳам таъсир қилди. Деҳқонлар деярли ҳар туп ғўзани ардоқламоқдалар. Агрономнинг обрўси ошмоқда. Бизнинг хўжалигимизда ҳар бир пайкал учун алоҳида сув—озуқа режими ишлаб чиқилган. Озиқлантириш, суғориш табақалаштириб ўтказилмоқда. Ғўзага эгат оралатиб сув тараяпмиз. Шунда сувдан самаралироқ фойдаланилади.

Дала ишларининг сифати деҳқонлар учун маиший ва ишлаб чиқариш шароитлари яратилишига бевосита боғлиқ. Ахир сувчилар қоронғуда чироқсиз ишлай олишмайди, бошқа буюмлар ҳам зарур.

Хўжалик ҳисоби, агротехникага умид қилганмиз. Одамларнинг куч-ғайрати ғўзанинг кечикишини бартараф этишда ёрдам берди. Теримни одатдаги муддатларда ёппасига бошлаймиз, деб ўйлайман.

Аммо, областдаги кўпгина хўжаликларда терим мавсуми кеч бошланади. Ғўза яхши ривожланмаётганлиги кўриниб турибди. Область агросаноат комитетида буни тушунишли рақамлар тасдиқламоқда: 1 августгача 313 минг гектар майдонда ҳар туп ғўзада ўртача учта ва ундан кўпроқ кўсак ҳосил бўлди.

Шунга қарамай, аҳволни ўнглаб олиш мумкин. Шу кунларда ҳар бир даладаги шароитни ҳисобга олиш лозим. Чунончи, биз ўзимиз экинни яна икки марта парвариш қиламиз, унча захлатмай суғорамиз. Ҳосилнинг мўл бўлиши ғўзанинг ўсиш нуқталарини чилпиш, баргини тўктиришга ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ.

Йиғим-теримга тайёргарликнинг аҳамияти жуда катта. Аммо ҳозир техникани тезроқ ремонт қилиш учун деҳқонларга ялинишга ҳожат йўқ. Республика Агросаноат давлат комитети барча тармоқлари узлуксиз ишлашини таъминлаш муҳимроқдир. Ҳозирча эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш борини олаверинг, кейин бир гап бўлар, деган усулда олиб борилмоқда. Бизга эса биринчи навбатда шпинделлар, поршеллар керак. Бинокорлик материаллари, айниқса ёғоч-тахта ҳамон муаммо бўлиб қолмоқда.

М. Юсупов — Хоразм область, Хонқа районидаги Охунбобоев номли колхоз раиси:

— Бизнинг экинзорларимизда юз берган вазият бутун область учун характерлидир. Экинзорларимизни уч группага ажратдик. Биринчи группага чигит вақтида экилган ерлар, иккинчисига экин табиат инжиқликларидан анча шикастланган, лекин қайта экилмаган ерлар, учинчисига қайта чигит экилган ерлар киритилди. Уларнинг чегараси аниқ белгилаб қўйилган. Иккинчи ва учинчи группадаги экинлар қўшимча парвариш қилиниб, озиқлантирилмоқда.

Умуман областда ғўза 10—12 кун кечки бўлиб қолди. Бироқ, сентябрь ойигача экинларни эҳтиёт бериб парвариш қилсак, кечикишни бутунлай тугатиш мумкин. Август — ҳосил тўплаш ойи. Шу сабабли ҳозир қўшимча равишда яна 30—40 кубометр сув олиб туриш зарур. Пахта териш техникаси ремонтининг суръати ва сифати қўйилдагидек эмас. Эҳтиёт қисмлар етишмаяпти. Айниқса, шпинделларга муҳтожмиз. Областимизга ҳозирча 15 минг дона шпиндель кам берилди.

Область пахтакорлари йиғим-терим бошлангунга қадар ғўза парвариши суръатини бўшаштирмоқчи эмаслар. Бу эса мўл ҳосил гаровидир.

Ҳ. Мамажонов — Наманган районидаги «Ленинград» колхозининг раиси:

— Деҳқонлар бу йил кўпгина синовлардан ўтдилар. Ғўзага айниқса катта шикаст етди. Шунга қарамай, ғўзанинг ривожланишидаги кечикишни бартараф этиш учун барча чоралар кўрилаяпти. Натижа ёмон эмас, лекин, хотиржамликка берилмаслигимиз лозим: ҳали олдинда кўпгина қийинчиликлар бор.

Ғўзанинг ривожи ўтган йилга нисбатан 10—12 кун орқада қолган. Ўтган йили шу вақтда ҳар туп ғўзада ўртача 6 тадан ортиқ кўсак санаган бўлсак, ҳозир 6 та холос, улар ҳам бўлиқ кўсак эмас.

Ҳозир олдимизда қўлдан бой берилган имкониятларнинг ўрнини тезроқ тўлдириш вазифаси турибди. Ғўзанинг учини чилпишни қисқа муддатда тугаллаш зарур. Бизнинг хўжалигимизда ва умуман районимизда бу агротехника тадбири ўтказиб бўлинди.

Шу кунларда экинни ўз вақтида ва тўғри суғоришнинг аҳамияти катта. Ғўзанинг ҳолатига қараб суғориш керак. Кечки ғўзаларни минерал ўғитлар билан озиқлантириш лозим. Шундай қилсак, зарур миқдорда кўсаклар етилади. Шунингдек, парвариш орасини қисқартириб, ғўзага кўпроқ ишлов бериш лозим, фақат шундагина ҳамма майдонларда юқори ва ҳом ашё етиштирилиши таъминланади.

Дала ишларининг ҳаммаси деҳқонлар қўлида. Биз улар ҳақида алоҳида ғамхўрлик қилаяпмиз. Дала шийпонларида яхши шароит яратилган. Механизаторлар, сувчилар, колхозчиларнинг кундалик нормаси бирмунча қисқартирилди. Хўжаликда бригада, оила пудрати кенг ривожланди. Ижара ҳам жорий этилмоқда.

Ижтимоий соҳа тез суръатлар билан ривожланмоқда. Колхозимизда тўртта болалар боғчаси, ҳаммом, клуб, бир неча медицина пункти бор, колхозчиларга томорқа участкалари ажратиш масаласи ҳал қилинмоқда.

Шунга қарамай, хўжалик ижтимоий соҳани ривожлантиришда турли муаммоларга дуч келмоқда. Уй-жойларни қуриш, газ тушириш, аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш муаммолари тегишли ташкилотларнинг раҳбарлари лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлашни икки-уч йилгача чўзмай, белгиланган муддатда топширганларида анча тезроқ ҳал қилинган бўлар эди.

М. Мироқов — Ульянов район ижроия комитетининг раиси:

— Ғўзанинг ривожи анчамунча — 20—25 кун кечикаяпти. Агар ижара пудрати жорий этилмаганда, аҳвол бундан ҳам ёмон бўларди деб ўйлайман. Одамларнинг пировард натижадан шахсан манфаатдорлигинга бу йилги тиғиз ишларни уддалашга имкон берди.

Аммо ҳамма нарса одамга боғлиқ эмас. Объектив сабаблар ҳам бор, биринчидан сув етишмаяпти. Иккинчидан, шпинделлар ва бошқа эҳтиёт қисмлар етишмаяпти. Биз ҳозир қўшимча культивация ўтказяпмиз.

Бегона ўтларга ва ғўза зараркунандаларига қарши курашга катта эътибор бераяпмиз. Биологик усуллар тобора кўпроқ майдонларда қўлланилмоқда.

Р. С. Қосимов — Ўзбекистон ССР мелиорация ва сув хўжалиги давлат комитети раисининг биринчи ўринбосари:

— Бу ерда сув камчиллиги ҳақида ҳамма гапираяпти. Тўғри, сув хўжалигидаги вазият ҳозир унча яхши эмас, ҳароратнинг пастлиги, ёғингарчиликнинг йўқлиги, қуруқ шамол тупроқдан намнинг тез қўтарилишига олиб келди. Апрелнинг охири —майнинг бошларидаги совуқ аҳволни тағин ҳам чигаллаштирди. Бир ярим миллион гектар ерга чигит қайта экилди. Бу эса ерларга қўшимча сув беришни талаб қилди. Шундай қилиб икки ярим миллиард куб метр сув ортиқча сарфланди.

Федченко музлигидаги паст ҳарорат Амударё, Зарафшон дарёлари ҳамда Фарғона водийсидаги сойларда сувнинг кўп йиллик нормадан 35—45 процент кам бўлишига олиб келди. Вазият мураккаблашганлиги сабабли республика ҳукумати Фарғона водийсидаги сой системалари сувни кўпайтириш ва совуқ уриш оқибатларини тугатиш учун Норин — Сирдарё дарёсидан сув олишни бир миллиард куб метр кўпайтиришга рухсат беришни сўраб СССР Министрлар Советига мурожаат қилди. Ана шундай рухсат олинди. Амударёнинг қуйи оқимида Туямўйин сув омборидаги сувнинг тўла сарфланиши сабабли юз берган вазиятни енгиллаштириш учун деярли бир ойдан буён Норак сув омборидан секундига 1300 куб метр сув оқизилмоқда.

Каттақўрғон омборида ғамланган сув яқин кунларда тугайди, бу сув омбори Зарафшон дарёси оқимини тартибга солиб туради. Шу муносабат билан августда Самарқанд ва Сирдарё областларида, август ва сентябрнинг бошларида Хоразм области, Қорақалпоғистон АССР, шунингдек Бухоро ва Қашқадарё областлари хўжаликларида катта қийинчиликлар туғилиши кутилмоқда. Ҳозир Туямўйин сув омборида сув қолмади, камчиллик ўрнини тўлдириш учун сув йўқ.

Бундай шароитда мавжуд сув ресурсларидан самарали фойдаланишга, тупроқдаги намни сақлаб қолиш юзасидан агротехника тадбирларини амалга оширишга алоҳида эътибор берилиши керак. Пудрат муносабатлари ривожланган сувни бригадалар ва хўжаликлар ўртасида тақсимлашга эътибор камайди — ҳар ким кўпроқ сув олишга уринмоқда. Сув сарфини қаттиқ назорат қилиш керак. Ҳар литр сув ҳисобга олиниши ва ундан самарали фойдаланилиши лозим. Тунда суғоришни ташкил этиш, сувчиларнинг ишлаши ва дам олиши учун барча шарт-шароитларни яратиш, пайкалларни бостириб суғоришга ва сувни коллектор — зовур шохобчаларига оқизиб юборишга йўл қўймасликдир зарур. Зовур сувларини чучук сувга аралаштириб, ундан имкони борича фойдаланиш талаб қилинади. Бироқ сув ғоят камчил бўлишига қарамай кўпгина хўжаликлар сув ресурсларига хўжасизларча муносабатда бўлмоқдалар. Масалан, Қашқадарё, Сурхондарё, Фарғона областларида сувнинг 92—93 процентидан фойдаланилмоқда, 7—8 проценти исроф бўлмоқда. Шу сабабли қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги ходимларидан юз берган шароитда сувдан фойдаланишни назорат қилишни кучайтиришни яна бир бор илтимос қиламиз. Биз эса сув хўжалиги системаларининг нормал ишлашини ташкил этиш ва сув ресурсларини тақсимлаш учун ҳамма чораларни кўрамиз.

Т. Йўлдошев — «Узсельхозхимия» республика илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг раиси:

Август — пахта зараркунандаларига қарши курашда энг масъулиятли давр. Фаразлашга кўра ўргимчаккана ва кўсак қурти жуда кўп тарқалиб кетиши кутилмоқда. Шу муносабат билан ҳар бир хўжаликда ана шу зараркунандалар пайдо бўлган жойларни аниқлайдиган ва ўша ерларга дарҳол ишлов берадиган одамларни ажратиш зарур. Биологик усулларни қўлланиш ва сульфат препаратларини ишлатиш тавсия этилади.

Ўсимликларнинг тез авж олиши учун чирнган гўнг ёки гўнг-тупроқ аралашмасини ҳар гектар ерга 500 килограммдан 1500 килограммгача солиш тавсия этилади.

Дефолиация хусусида гапирадиган бўлсак, у магний хлорати, кальций хлорат хлориди ва драпп препарати билан ўтказилади. Экинзорларнинг катта қисмига ердан туриб ишлов берилади. Ҳосил кечроқ етилиш муносабати билан дефолиация муддатлари сурилади ва бу юмушни жуда қисқа муддат — 10-12 кунда, салқин тушиб қолган кезда ўтказишга тўғри келади. Шунинг учун ҳам барча областлар ва районларда тажрибали мутахассислар иштирокида кўрик конкурслар ўтказиб, зарур миқдорда механизаторлар, сигналчилар ва ёнилғи солувчиларни танлаб олиш керак. Дефолиацияда банд бўлган барча кишилар медицина қаровидан ўтишлари, шахсий муҳофаза воситалари ва махсус кийим-кечак билан таъминланишлари керак.

Дала аэродромларини, ёнилғи солиш воситаларини, эритмалар тайёрланадиган идишларни тартибга келтириш, трактор шатакка оладиган пуркагичларни яхшилаб созлаш керак, токи дефолиант ғўза тупидаги барча барглари ҳўлласин. Препаратларни қадоқлашга алоҳида эътибор бериш лозим: агар нормадагидан камроқ бўлса, барг тўкилмайди. Нормадан ортиб кетса, барг қуриб қолади, аммо тўкилмайди, кўсаклар эса нобуд бўлади.

Р. Ҳусанов — «Союзхлопок» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори:

— Пахтакорнинг қўли-қўлига тегмаяпти — етиштирилган ҳосилни асраб қолиш, ҳосилга-ҳосил қўшиш керак. Ғўза қайта экилгани, ўсимлик учун самарали ҳарорат етишмагани, сув тақчиллиги сабабли вазифа яна мураккаблашмоқда. Ҳар бир тупда ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1—2 та шона кам. Шунинг учун сентябрь ойининг биринчи ўн кунлигида ҳам парваришни давом эттириш, ҳосилга-ҳосил қўшиб бораверишкерак бўлади. Ҳамма ерда чилпишни тугаллаш шу яқин кунлардаги энг муҳим вазифадир. Кўпгина хўжаликлар ана шу муҳим ишни анча чўзиб юборишди. Ҳамонки ғўзанинг етилиши орқада қолаётган экан, чилпишни кечроқ ўтказиш мумкин, деган нотўғри фикрлар пайдо бўлди. Шундай қилинса, ҳосилнинг етилиши кечикади, сорти паст пахтанинг улуши ортади. Ҳамма ерда мўлжалдаги пахта хирмонини кўтариш учун кўсаклар етарли. Эндиги бош вазифа уларнинг тўкилиб кетишига йўл қўймасликдир.

Тупроқда етарлича нам бўлишига эришиш — пайсалга солиб бўлмайдиган вазифалардан биридир. Ҳосил тугунчалари пайдо бўлаётган кезда ғўза сувга маҳтал бўлади. Сувнинг камлиги ҳам, ҳаддан зиёдлиги ҳам ўсимликни эзиб қўяди. Ҳар бир участкага табақалаштирилган ёндашиш зарур — бир марта суғоришнинг қанча вақт давом этишига қараб, тупроқнинг типини инобатга олиб суғориш нормаси гектар бошига 650 куб метрдан 950—1000 куб метрга етиши мумкин. Суғориш нормаси кўпайиб кетса, ғўза туплари ўсиб кетиб, кўсаклар тўкилиб кетади. Ҳар бир участканинг ҳолига қараб парвариш қилиш учун сувчиларни кўпайтириш керак. Хўжаликлар ичида ва хўжаликлар ўртасида сув оборотини, тунги суғоришни ва еростн сувлари яқинроқ жойлашган майдонларда қатор оралатиб суғоришни ташкил этиш керак. Сув тақчил бўлганида шундай қилганимиз маъқул. Аммо нам етишмаса, кўсаклар тўкилиб кетади.

Культивация ўз вақтида ўтказилса, суғоришнинг самараси юқори бўлади. Суғоришдан кейин тупроқни юмшатиш — албатта ўтказилиши лозим бўлган тадбирдир. Кун иссиқ бўлганида тракторни секинроқ юргизиб, культивация қилиш айни муддаодир. Шундай қилсак, кўсакларга шикаст етмайди. Шу муносабат билан механизаторларнинг иш нормаларини ҳам қайта кўриб чиқиш керак бўлади. Тупроқни юмшатиш туфайли бегона ўтлар ҳам йўқолади.

Айни вақтда йиғим-теримга ҳам тайёргарлик кўриш керак: дефолиантларни ташиб келиш, механизаторларни тайёрлаш, эритма қуйиладиган пунктларни ҳозирлаш, пуркагичлар, ўрим техникасининг бутун комплексини шай қилиб қўйиш керак. Август ойидаги меҳнат яхши хирмон кўтариш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

И. А. Каримов — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари:

— Бугун жуда зарур ва муҳим гаплар айтилди. Эътирозлар билдирилди, фойдали маслаҳатлар берилди. Якун чиқариб қуйидагиларни айтмоқчиман.

Ҳосил тақдирини ҳал этиш учун яна бир ой вақт бор. Йил оғир келди. Республикада ғўзасига у ёки бу даражада зиён етмаган бирорта ҳам хўжалик йўқ.

Демак, биринчи хулоса бундай. Ҳосил етиштира олган уста пахтакорларга раҳмат. Бунинг ўзи бўлгани йўқ. Одамлар чарчашди. Демак, биз, раҳбарлар, қишлоқ меҳнаткашлари ҳақида катта ғамхўрлик қилишимиз керак. Уларнинг меҳнатини рағбатлантириш, пахтакорларнинг мириқиб дам олиши учун барча шароитларни яратиш керак. Қишлоқларда, дала шийпонларида одамлар учун зарур бўлган барча нарсалар муҳайё этилиши лозим.

Авж олиб кетган иш бугун ҳаммамиздан ташаббускорликни, ишчанликни ва уюшқоқликни талаб этади. Ҳосилнинг тақдири шунга талаб этмоқда.

Иккинчи хулоса. Интизом мустаҳкам бўлиши керак. Бу яна бир муҳим омилдир. Такрор айтаманки, ҳозир мустаҳкам интизом жуда муҳим омилдир. Интизом қаттиқ, аммо адолатли бўлиши лозим. Интизомни мустаҳкамлаб, ҳар бир кишининг пировард натижа учун масъулиятини оширишгина биз муайян муваффақиятларга эриша оламиз, мўлжалланган мақсадга етамиз.

Учинчи хулоса. Ҳозир кўп нарса раҳбарнинг обрўсига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам район партия комитетлари ва район ижроия комитетлари раҳбарларига мурожаат қилмоқчиман. Азиз ўртоқлар, фақат халқ билан ҳ

КПСС Марказий Комитетида кенгаш

(Давоми. Боши 1-бетда).

У шуни таъкидладики, миллатлараро муносабатларда янгича ёндашувларни рўёбга чиқариш федерациямизни мустаҳкамлашга, ҳар бир иттифоқдош республиканинг чинакам суверен давлат бўлиб қолишига имкон беради, барча автоном тузилмаларнинг ҳам ҳуқуқларини анча кенгайтиради. Матбуот, радио, телевидение бу соҳада кенг мулоқот олиб бориши керак.

КПСС Марказий Комитетининг секретари ҳозирги тарғиботнинг характерига тўхталиб, бундай тарғибот мажбурий бўлмаслигини, одамларнинг кайфиятини илғаб олиши лозимлигини уқтириб ўтди. Хато мулоҳазаларга, талқинларга йўл қўймаслик лозим.

Миллий ўзлигини англашнинг табиий равишда ўсганлигидан (демократиялаш, қайта қуриш, ошкоралик бунга кенг имконият очиб берди) кўпинча турли хил мансабпарастлар, масъулиятсиз кимсалар ўзларининг гаразли мақсадларида фойдаланмоқдалар, ана шу кимсалар миллий ҳис-туйғуларни қитиқлаб, ўзларининг халқ манфаатларидан йироқ бўлган вазифаларини ҳал қилиб олишни истардилар. Бунда журналистнинг қалами ўткир ва чинакамига партиявий бўлиши лозим.

КПСС Марказий Комитети Партия қурилиши ва кадрлар билан ишлаш бўлими мудирининг ўринбосари Ю. И. Рижов кенгаш қатнашчиларини партияда ҳисобот ва сайловни ҳамда халқ депутатлари Советларининг навбатдан ташқари сессияларини ўтказиш хусусиятлари билан таништирди. КПСС Марказий Комитети Халқаро бўлимининг мудири В. М. Фалин иккинчи жаҳон урушининг бошланиши билан боғлиқ воқеалар тўғрисида ахборот берди.

Пировардида Н. Н. Слюньков нутқ сўзлади. У партия Марказий Комитетининг миллатлараро муносабатлардаги қийинчиликларни бартараф этиш борасидаги ғояларини рўёбга чиқаришда оммавий ахборот воситаларининг масъулияти ошганлигини қайд этиб ўтди. Миллий муаммолар теварагида авж олиб кетган мунозараларнинг оҳанги ўзининг амалийлиги билан фарқ қилиши керак, эҳтиросли кескин баҳслардан амалий ечимларни осойишта излаб топишга ўтиш лозим.

КПСС Марказий Комитетининг секретари партияда ҳисобот ва сайловни ҳамда халқ депутатлари Советларининг навбатдан ташқари сессияларини ўтказиш билан боғлиқ масалаларга тўхталиб, маҳаллий турмуш, партия ташкилотларининг фаолияти, Советларни қайта қуриш муаммоларини чуқур ва танқидий идрок этиш зарурлигини таъкидлади.

Халқ ҳокимияти олий органлари амалга оширган ишларни жиддий таҳлил этиш, СССР халқ депутатлари съезди билан Олий Совет биринчи сессияси жамиятимиз турмушида бурилиш аҳамиятига эга бўлганлигини, қайта қуриш жараёнлари чуқурлашиб бораётганлигини кўрсатиш ҳам партия матбуотининг бевосита бурчи бўлиб қолиши керак. СССР Олий Советининг сессиясида қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини ташкил этишга алоҳида эътибор бериш зарур.

(ТАСС).

СССР Министрлар Советида

(Давоми. Боши 1-бетда).

ўсимлик мойини харид қилиш қисқарганлиги муносабати билан бўшаб қоладиган валюта ҳисобидан ҳақ тўланиш кўзда тутилган. Дон ва мойли экинлар уруғини тайёрлашнинг эришилган даражасини СССР Давлат статистика комитети органлари тасдиқлайди.

Шу тартибда реализация қилинадиган буғдой, нўхот ва люпин дони, мойли экинлар уруғи корхона, шунингдек иттифоқдош ва автоном республикалар, ўлкалар ва областлар қабул қилган шартнома асосидаги давлат буюртмаси бажарилишига қўшилади.

Колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари буғдой, нўхот ва люпин дони ҳамда мойли экинлар уруғи сотганлиги учун олган эркин муомаладанги валюта тўла-тўкис ўз тассарруфларида бўлади.

Қарорда СССР Министрлар Советининг озиқ-овқат ва маҳсулотни харид қилиш давлат комиссияси, СССР Ташқи иқтисодий алоқалар министрлиги, СССР Давлат нарх комитети ва СССР Молия министрлигига эркин муомалада бўладиган валюта билан рағбатлантириш тўғрисидаги масалани ўрганиш ва зарур бўлган тақдирда СССР Министрлар Советига тегишли таклифлар киритиш вазифаси қўйилди.

Қарорда СССР Министрлар Совети озиқ-овқат ва маҳсулот харид қилиш давлат комиссиясига СССР Ташқи иқтисодий алоқалар министрлиги, СССР Давлат нарх комитети, СССР Молия министрлиги, СССР Госплани ва иттифоқдош республикалар Министрлар Советлари иштирокида юқори сифатли буғдой, нўхот ва люпин дони, мойли экинлар уруғи етиштириш ва давлатга сотишни валюта билан рағбатлантириш юзасидан 1989—1990 йилларда ўтказиладиган тажриба якунларини умумлаштириб, унинг натижалари тўғрисида 1991 йилнинг 1 кварталида СССР Министрлар Советига маълум қилиш ва тегишли таклифлар киритиш вазифаси топширилди.

СССР Госплани, СССР Ташқи иқтисодий алоқалар министрлиги, СССР Молия министрлигига, СССР ташқи иқтисодий банкига ва СССР Давлат статистика комитетига эркин муомалада бўладиган валюта билан ҳақ тўланадиган юқори сифатли буғдой, нўхот ва люпин дони, мойли экинлар уруғини ҳисобга олиш ва уларга ҳақ тўлаш тартибини тасдиқлаш таклиф этилди.

СССР Министрлар Совети озиқ-овқат ва маҳсулот харид қилиш давлат комиссияси олдига давлатга юқори сифатли буғдой, нўхот ва люпин дони, мойли экинлар уруғи сотишни таъминлайдиган ижарачилар, ижара коллективлари ва деҳқон хўжаликлари кооперативларини эркин муомалада бўладиган валюта билан рағбатлантириш тўғрисидаги масалани ўрганиб ва зарур бўлган тақдирда СССР Министрлар Советига тегишли таклифлар киритиш вазифаси қўйилди.

СССР Министрлар Совети озиқ-овқат ва маҳсулот харид қилиш давлат комиссиясига СССР Ташқи иқтисодий алоқалар министрлиги, СССР Давлат нарх комитети, СССР Молия министрлиги, СССР Госплани ва иттифоқдош республикалар Министрлар Советлари иштирокида юқори сифатли буғдой, нўхот ва люпин дони, мойли экинлар уруғи етиштириш ва давлатга сотишни валюта билан рағбатлантириш юзасидан 1989—1990 йилларда ўтказиладиган тажриба якунларини умумлаштириб, унинг натижалари тўғрисида 1991 йилнинг 1 кварталида СССР Министрлар Советига маълум қилиш ва тегишли таклифлар киритиш вазифаси топширилди.

БОҒЛАР БОЛГА ТЎЛДИ

Далаларда айни пишиқчилик. Ўлкамизнинг саҳий қуёши, унумдор тупроғидан баҳра олган, тилими тилни қирқ ёрар қовунлар, шарбатга тўла узум, мевалар, сервитамин сабзавотлар етилган палла. Булар қўли қадоқ бободеҳқон, боғбону соҳибкорларнинг табиат қийинчиликларига қарши туриб қилган фидокорона меҳнатининг маҳсули.

Ҳозир ҳамма ерда ёз неъматларини йиғиб-териб олиш авжида. Миришкорлар ўзлари тер тўкиб етиштирган маҳсулотларнинг сифатини бузмаган ҳолда нобуд қилмай териб олиш ва эл дастурхонига етказиб бериш ҳаракат қилишмоқда.

Наманган районидаги Ленин номли колхозда 42 гектарли боғ бўлиб, бу ерда олма, ўрик, беҳи ва бошқа ширин-шакар мевалар етиштирилади. Хўжалик боғбонларининг эрта баҳордан қилган ҳалол меҳнатлари зое кетмади. Барча мевалардан мўл ҳосил етиштирилди. Айни кунларда боғларда иш ҳар қачонгидан қизиғанг. Хўжалик боғбонлари олма теримини авж олдиришяпти. Олмалар асосан сараланиб, сўнгра истеъмолчиларга жўнатилаётир.

Суратларда: 1. Соҳиба Шарипова ва Анорхон Мирбоева олма теримида илғорлик қилаётирлар. 2. Боғдорчилик бригадаси бошлиғи Ҳамиджон Қодиров. 3. Миришкор боғбонлардан Ш. Еқубов, З. Бурхонова, З. Шарипов, К. Қодировалар истеъмолчиларга жўнатишга тайёрлаб қўйилган меваларнинг сифатини кўздан кечиришмоқда.

В. Молгачев суратлари.

ЧЕКАНКА ТУГАЛЛАНДИ

Поп районидаги «Коммунизм» колхози пахтакорлари оби-ҳавонинг ноқулай келишига қарамай бу йил 1735 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35,7 центнердан хирмон кўтариш учун ғўзаларни юқори агротехника талабларига асосан парваришлаб ўсирмоқдалар.

Деҳқон меҳридан баҳраманд бўлаётган ғўзалар мўл ҳосил тўплаяпти. Ҳозирнинг ўзидаёқ ҳар туп ўсимликда 8-9 тадан бўлиқ кўсак, кўплаб шона ва гул бор.

Маълумки эртаки, сифатли ва мўл ҳосил етиштиришда чеканканинг аҳамияти катта. Буни яхши билган хўжалик заршунослари бир неча кун олдин чеканкани оммавий равишда бошлаган эдилар. Хўжаликнинг Йигитали Ҳусанов раҳбарлик қилаётган бригадасидаги Бозоржон Тўйчиева бошлиқ оилавий пудратчилар ўзларига ажратилган майдондаги ғўзани уч иш кунида чеканкадан чиқардилар.

С. ҚУЧҚОРОВ.

• Сўз—тажрибакорларга

БАҲОНИ КУЗ БЕРАДИ

Ҳар бир деҳқоннинг ўз режаси, мўлжали бўлади. У шунга қараб ҳаракат қилади. Рости, бу йил биз ҳам 40 центнерлик ҳосилни кўзлаб тургандик. Чунки олдинги йилларда гектар бошига 38—39 центнердан ҳосил олганмиз. Аммо апрель ойининг сўнгги кунида бостириб келган совуқ ҳаво оқими орзу-ниятларимни чилпарчин қилиб ташлади. Ўттиз йил бригадирлик қилиб, ҳеч қачон бунчалик изтироб чекмаганман. Шундай бўлса-да, нобуд бўлган ғўзаларга қараб, бош эгиб туришнинг вақти-соати эмас эди.

Ўшанда ҳар ким ўзича йўл тутди. Биров совуқ урган ғўзаларга ишлов беришга киришди. Бировлар эртанидин нимжон ғўзалар офтобда шалпайиб қолса, ёнидан ўсиб чиқади деб, эски ғўза ёнига уруғ ташлади. Биз унисини ҳам, бунисини ҳам қилмадик. Раисга учрадимда, қўшима трактор сўрадим. Икки кунда, ҳам далани юмшатдик, ҳам янгидан чигит экдик. Ҳафта ўтар-ўтмас, уруғ ер ёриб чиқди. Энди буёғи деҳқоннинг тажрибаси-ю маҳоратига боғлиқ эди.

Шундайку-я, аммо совиқдан кейин биз томонларда ҳаво ҳарорати бирдан кўтарилиб кетди. Уч-тўрт кун қуёш қаттиқ қиздириб турди. Кўп деҳқонлар ўша кунлари ўзларини бироз чалғитдилар. Чунки тупроқ юзасидан нам тез қочди. Улар шоша-пиша ғўзага сув тарашга киришдилар. Аксига олиб, ҳаво ҳарорати яна пасайиб қолди. Май ойида, ҳатто июннинг ярмига қадар ҳам кунлар бирмунча салқин келди. Оқибатда ҳалиги сув таралган далалардаги ғўзаларда илдиз чириш касалликлари пайдо бўлди. Ғўза жуда секин ривожланди.

Оби-ҳаво ноқулай келган бу йилги шароитда деҳқоннинг биринчи галдаги вазифаси кеч экилган ғўзани тез ўстириш, ривожланишдан орқада қолган ўсимликни ҳар йилгидек, ўз вақтида гуллаши, кўсак бойлаши ва кўсакнинг пишиб етилишини таъминлашдан иборат. Бизнинг диққат марказимизда ана шу вазифа турди.

Вазифа аниқ бўлгач, тадбир ҳам шундан келиб чиқаверади. Ҳеч қачон олдин тадбир, кейин вазифа тугилмайди. Булар бир-бирига йўлдош. Хуллас, биз бошқачароқ йўл тутдик. Ғўзага сув бермадик. Нега десангиз, тупроқнинг бир бўғин пастида нам етарли эди, ҳарорат паст бўлганлигидан тупроқда булғониш секин кечди. Биз шу жараённи ҳисобга олдик. Натижада ғўзанинг бир меъёрда ўсиши учун тупроқда шароит етарли бўлди. Бу — қийин шароитда эришган биринчи ютуғимиз эди.

Иккинчиси. Ғўзага сув таратгандан кўра, қатор оралари тез-тез юмшатиб туришга эътибор қилдик. Бунинг йўли осон. Ҳар культивация олдидан гектарига 4—5 тоннадан маҳаллий ўғит бердик. Бир йилда шу миқдорда 4 марта гўнг берилган ердан истаганча ҳосил олиш мумкин. Айниқса, ҳаво илиқ келганда ҳам, ҳарорат паст бўлганда ҳам ғўзани тез ўстиришнинг бирдан-бир воситаси — маҳаллий ўғитни меъёрида бериш. Буни ўз тажрибамда кўп синаб кўрганман. Айрим деҳқонлар нима қиладилар? Минерал ўғитни тонна-тонналаб далага сочадилар. Бу ўғит билан ғўза бор-йўғи бир марта озиқланади. Янаги культивациягача унинг кучи етмайди. Эътибор берган бўлсангиз, минерал ўғит берилган ердаги ғўза бир авж олади-да кўзни қувонтиради, аммо ердан нам қочиши билан тупроқ зичлашади ва ғўзани бўғиб олади.

Маҳаллий ўғитнинг нафини билган деҳқон бундай қилмайди. Аввало, маҳаллий ўғит берилган ерда озуқа бутун мавсум давомида етарли бўлади. Бунинг устига тупроқ хамиртуришдай кўпчиб, ҳаво ўтказувчанлиги ошади. Ғўза томирлари эркин ривожланади. Бу бизнинг ғўзани тез ривожлантириш йўлидаги иккинчи ютуғимиз эди.

Яқинда колхоз раиси Алимқул Раҳимов билан бирга дала айландик. Ғўза белга уриб турибди, Шох ташлаб ўсган. Трактор оралаши қийин бўлиб қолди. Шона, гул, кўсак санадик. Иккковимиз ҳам ич-ичимиздан қувондик. Аммо раис ҳам, мен ҳам бу қувончимизни ошкор қилганимиз йўқ. Нега? Олдинда куз бор. Баҳони куз беради.

Кўплар августни тўй-томошалар ойи, дейдилар. Баъзи деҳқонлар эса йиғим-терим олдидан «нафасни бир ростлаб», олишга ҳаракат қиладилар. Мутлақо нотўғри. Августнинг ҳар бир кунидан унумли фойдаланмоқ, тер тўкиб меҳнат қилмоқ лозим. Ҳар бир гул, ҳар бир кўсак пешона тери эвазига вужудга келган.

Бошқаларни билмайман-у, менда бир одат бор. Августда бригадамга тегишли 85 гектар пахта майдонидаги ҳар эгатга бирма-бир кириб чиқаман. Бригада аъзоларига ҳам шуни тайинлайман. Йўл-йўлакай йиқилган, ҳосил залворидан эгилган ғўзаларнинг қаддини тиклаб, бўғзига тупроқ тортамиз, бегона ўтларини йўқотамиз. Бунинг ғўзани шамоллатишга, кўсакларнинг эрта етилиб пишишига, ҳар бир шона ва гулнинг кўсакка айланишига нафи катта.

Бригадамизга хизмат қиладиганлар терим машинаси, трактор, тиркама аравалар, кўприк йўллар созланди. Пахта қуритадиган жойимиз бор. Асфальтланган. Теримчилар учун этак ҳозирлаб қўйилди. Бу эса йил бошида тузган режамизнинг тўла бажарилишини таъминлаши шубҳасиз.

Қ. ХИДИРОВ,
Жарқўрғон районидаги Норали Боймуродов номли колхознинг бригада бошлиғи, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган пахтакор.

Халқ назорати текшириша тайёрланмоқда

ШИФОКОРЛАР, ҚАНДАЙ ИШЛАЯПСИЗ?

Пастдарғом районидаги Куйбишев номли колхоз аъзоси С. Мустаевнинг ўн бир ёшли ўғли қўлини синдириб қўйди. Бундан ташвишга тушган ота шу ердаги врачга ёрдам сўраб мурожаат этди, рентген қоғозини кўрсатди. Лекин врач унинг қўли синмаганлигини айтиб, гипс қўйишдан бош тортди. Область касалхонасида эса анчагина вақт бой берилганлиги, боланинг қўли операция қилиниши кераклиги маълум бўлди.

Уларнинг бахтига ҳеч қандай қўнгилсизлик рўй бермади. Лекин С. Мустаев шифокорлардан хафалигича қолаверди. У қишлоқ касалхонасида фарзандига нима сабабдан бундай совуққонлик билан қараганликлари хусусидаги саволга жавоб олишни хоҳларди. С. Мустаев Самарқанд область соғлиқни сақлаш бўлимидан ана шу ишни текшириб кўришни илтимос қилди. Бироқ саволига жавоб ололмади. Ниҳоят, унинг хати Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетига келиб тушди. Бу ердан республика Соғлиқни сақлаш министрлигига зудлик билан ана шу мактубга жавоб бериш талаб қилинди. Лекин Соғлиқни сақлаш министрлигида ҳам бу саволга жавоб беришга шошилишмас, халқ контроли комитети ходимларининг қўнғироқларига, мунча шошилмасангиз, ахир ҳеч ким ўлгани йўқ-ку, деб хотиржамлик билан жавоб беришарди. Фақат қаттиқ талаб қилингандан кейингина комитетга жавоб йўллашди.

Шифокорларимизнинг кўпчилиги ҳалол, виждонан ишлайдиган кишилардир. Лекин халқ контроли комитетига ўтган йили келган ўнлаб шикоят ва аризаларга қараганда, улар орасида буларга ўхшамайдиганлари ҳам анчагина бор кўринади. Даволанишга муҳтож бўлган уруш ва меҳнат ветеранлари ўз хатларида баъзи шифокорларнинг лоқайдлиги, ўз ишига эътиборсизлиги, совуқконлик билан қарашлиги ҳақида алам билан ёзадилар.

Тошкентдаги 6-болалар юқумли касалликлари шифохонасида ўз фарзандларини даволатган оналар санитария-эпидемиология режими бузилаётганлиги, беморлар палаталари қўл учида супуриб-сидирилаётганлиги, тўшаклар остида кир чойшаблар тўпланиб қолаётганлиги ҳақида ҳабар қилдилар. Д. Ратушний уруш ва меҳнат ветеранлари ҳамда инвалидларига нисбатан эътиборсиз бўлаётганликлари, Урганч шаҳридаги 5-дорихонада кераклі дориларнинг кўпи йўқлиги, умуман дорилар билан ёмон таъминланаётганликлари ҳақида ёзади. Риштон район санитария-эпидемиология станциясининг собиқ ходимлари С. Сиддиқова, Ш. Насриддинова санитария-эпидемиология станцияси бош врачи А. Раҳмонов хизмат мавқеини суиистеъмол қилаётганлиги хусусида ёзишган. Текшириш бу хатнинг тўғрилигини тасдиқлади.

Ўтган йили халқ контроли комитетига соғлиқни сақлаш муаммолари юзасидан олтмишга яқин хат келди. Хўш, бу йил медицина муассасалари ва бошқа идораларга шундай хатлардан қанча келган экан? Уларнинг ҳаммасига аниқ жавоб берилдимикан? Камчиликларни тугатиш учун чоралар кўрилдимикан?

Халқ назоратчилари ана шу ва шунга ўхшаш кўпгина саволларга жавоб олишни хоҳлайдилар. Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетининг фан, маданият ва соғлиқни сақлаш бўлими, меҳнаткашлар шикоятлари ва таклифлари бюроси 20 августдан 15 октябргача республика Соғлиқни сақлаш министрлиги, унинг жойлардаги органларининг аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш ва гражданларнинг шикоятлари ҳамда хатларида қўйилаётган масалаларни ҳал этиш юзасидан олиб бораётган ишларини текширишдан ўтказишни режалаштирмоқда.

Республикамизда яшаётган ҳар бир киши тартиб ўрнатишда назоратчиларга ёрдам бериши мумкин. Ўз фикр-мулоҳазаларингиз ва таклифларингизни қуйидаги адресга юборинг: 700047, Тошкент шаҳри, Куйбишев кўчаси, 23-уй. Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитети.

(ЎзТАГ мухбири).

ТОШКЕНТДА МИТИНГ

10 августда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг клубида рухсат этилган митинг бўлиб ўтди. Митингда республика журналистлари, бошқа ижодий ташкилотларнинг вакиллари қатнашдилар.

Митинг қатнашчилари бази марказий оммавий ахборот воситаларида, хусусан «Огонек» журналида Фарғона воқеаларига доир фактлар бузиб кўрсатилганлиги хусусида норозилик билдирдилар.

(ЎзТАГ).

Дунё овози

ХАБАРЛАР ОҚИМИДАН

● ТОКИО. Японияннинг Сосукэ Уно бошчилигидаги ҳозирги ҳукумати атиги 68 кун умр кўрди. Мазкур ҳукумат шошилинч равишда чақирилган кенгашда тўла составда истеъфога чиқди.

Япония парламентининг юқори палатасига 23 июль куни бўлган қисман сайловларда мамлакатдаги ҳукмрон либерал-демократик партия (ЛДП) қаттиқ мағлубиятга учрагалиги бунга сабаб бўлди. Либерал-демократик партия ўзи тузилганидан бери депутатлик мандатларининг кўпчилигини йўқотганлиги маълум бўлганидан сўнг партия раиси ва айни вақтда ҳукумат бошлиғи Сосукэ Уно сайлов барбод бўлганлиги учун барча масъулиятни ўз зиммасига олишга ва эгаллаб турилган лавозимлардан воз кечиш ниятида эканлигини эълон қилишга мажбур бўлди.

58 ёшли Тосики Кайфу Япония ҳукуматининг янги бошлиғи бўлиб сайланди. У либерал-демократик партиянинг навбатдаги 14-раиси қилиб сайланган эди. У ҳукумат тузишга киришди.

● ВАШИНГТОН, АҚШ маъмурияти бир неча соат ичида ўзининг Марказий Америка мамлакатлари президентлари учрашувида қабул қилинган якуниовчи ҳужжатга нисбатан тутган йўлини ўзгартирди. Бу ҳужжатда, жумладан, контраслар қуролли гуруҳларини тарқатиб юбориш назарда тутилади.

АҚШ давлат секретари Ж. Бейкер мазкур ҳужжатнинг қатор қоидалари муносабати билан «норозилик изҳор қилиш» учун Коста-Рика президенти Оскар Ариасга қўнғироқ қилди, деб хабар берди «Вашингтон пост» газетаси. Бироқ президент Ж. Буш вакили Америка Қўшма Штатлари Гондураснинг «Тела шаҳрида эришилган битимни» «умуман қўллаб-қувватлашини» айтди.

Никарагуада келаси йилнинг 25 февралида сайлов ўтказиш мўлжалланган. Тела шаҳрида имзоланган ҳужжатда кейинги 120 кун давомида яъни 8 декабргача халқаро комиссия назорати остида контрасларни бўшатиб юбориш назарда тутилади.

● ПАРИЖ. Куру (Француз Гвинеяси) космодромида Ғарбий Европанинг «Арианспейс» уюшмаси яратган «Ариан-4» ракета учирувчи учирилди.

Бу «Ариан» программаси доирасидаги 33-космик парвоз бўлиб, у иккинчи уринишда режалаштирилган вақтдан 39 минут кечроқ амалга оширилди. Дастлаб двигателлар системасида техникавий майда носозликлар аниқланганлиги оқибатида учишга 7 секунд қолганида автомат равишда тўхтатиб қўйилган эди.

Ракета учирувчиси геостационар орбитага Ернинг иккита сунъий йўлдошини олиб чиқди. Биринчиси — Ғарбий Германиянинг ТВСАТ-2 деб аталган бевосита телекўрсатув йўлдошидир.

Европа космик агентлиги раҳнамолигида яратилган ва «Гиппаркос» деб аталган иккинчи йўлдош илмий вазифаларни бажариши керак. Жуда юксак имкониятга эга бўлган ноёб ускуна билан жиҳозланган йўлдош икки ярим йил давомида ярим миллионга яқин юлдузни ўрганиши ва уларнинг осмонда жойланишини илгари иложи бўлмаган аниқликда ўлчаб бериши керак. Коинотнинг шаклланиши тўғрисидаги бир қанча тахминларни текшириш ҳамда энг аниқ юлдузлар атласини тузиш тадқиқотларнинг натижаларидан бири бўлиши лозим.

● НЬЮ-ЙОРК. Жанубий Корея маъмурлари икки рассомни Пхеньянга ўз асарлари нусхаларини юборганликлари учун қамоққа олди.

Уларнинг бу асарлари ёшлар ва студентларнинг жаҳон фестивали доирасида ўтказилган кўргазмаларидан бирига қўйилган эди. АП ахборот агентлиги Сеул шаҳрида тарқатилган расмий хабарга таяниб, шуни маълум қилди.

Хабарда рассомлар Жанубий Корея миллий хавфсизлигига қарама-қарши ҳаракатларда айбланиши мумкинлиги таъкидланади. Бунинг учун улар 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилиниши хавфи бор.

(ТАСС).

ФАТХ СЪЕЗДИ ЎЗ ИШИНИ ТАМОМЛАДИ

● ТУНИС. (ТАСС). Бу ерда фаластинликларнинг Фаластин Озодлик Ташкилоти таркибига кирувчи энг катта ташкилоти — ФАТХнинг 5-съезди ўз ишини тамомлади.

Съезд ишида жаҳоннинг турли мамлакатларидан Тунис пойтахтига келган 1213 делегат қатнашди. ВАФА Фаластин агентлигининг маълумотларига кўра, делегатларнинг 90 проценти ҳаракат раҳбари, Фаластин Озодлик Ташкилоти ижроия комитетининг раиси Ясир Арафатнинг Фаластин миллий кенгашининг Жазоирда бўлиб ўтган сессияси қарорларига асосланган сиёсий йўлини қўллаб-қувватлажагини изҳор қилди. Съезд қатнашчилари қабул қилган сиёсий резолюцияда Фаластин муаммоси Араб — Исроил можаросининг асоси экани таъкидланади. Ҳужжатда Фаластин халқининг ўз тақдирини ўзи белгилаш ва ўзининг мустақил давлатини барпо этишга бўлган ҳуқуқи тасдиқланади.

Ўзаро текшириш давом этмоқда

ИШЛАРНИ ТЕЗЛАШТИРИШ КЕРАК

Сирдарё областининг колхоз ва совхозларида бўлган Тожикистон текширувчиларининг фикри шундай.

— Яқин кунларда ғўза чеканкасини тугаллаш жуда зарур, — дейди ишонч билан делегация раҳбари, Тожикистон ССР Ҳисор район ижроия комитетининг раиси Жамолиддин Мансуров. — Бу муҳим иш областдаги хўжаликларнинг кўпчилигида, айниқса Янгиер, Сирдарё ва Гулистон районларида чўзилиб кетмоқда. Чеканка ишида сусткашлик эса ҳосилни йўқотишга олиб келиши мумкин. Сирдарёликлар ем-хашак тайёрлашга ҳам совуққонлик билан қарамоқдалар. Ҳозир ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 200 минг тонна кам хашак тайёрланибди. Дўстлик ва Пахтакор районларида беда ўрими чўзилиб кетмоқда, ўсимликлар гулга кириб, ширасини йўқотмоқда.

Меҳмонлар янтоқ, қамиш, табиий ўтларни тайёрловчи бригадаларни шошилинч равишда ташкил этишни таклиф қилдилар. Улар пахта териш техникаси ремонти суръатлари, сабзавот тайёрлаш суръатлари пастлигига эътиборни қаратдилар. Мусобақадош дўстлар худди шундай муаммоларнинг ўз республикаларида ҳал этиш тажрибаси билан ҳам ўртоқлашдилар.

Меҳмонлар ҳам, мезбонлар ҳам рози бўлган яна бир хулоса бор: ўзаро текшириш бригадалари таркибига ишбилармон, амалиётчи деҳқонларни кўпроқ киритиш керак. Улар ҳамкасблари билан доимо тил топишишади, бир-бирларига керакли маслаҳатларни бера олишади.

(ЎзТАГ).

• *Ягона оилада*

ДЎСТЛАРНИ ЯҚИНЛАШТИРУВЧИ ЭФИР

ТОЖИКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ ХОДИМЛАРИНИ ФАХРИЙ ЁРЛИҚЛАР БИЛАН МУКОФОТЛАДИ

Ўзбекистон телерепортёрлари — махсус мухбир Дадахон Ёқубов, режиссёр Мели Маҳкамов ва оператор Рафаэль Камоловнинг ишига қардош қўшни республикадагилар юқори баҳо беришди. Халқлар маданиятини ўзаро бойитишга ҳамда бу халқлар ўртасидаги дўстлик ва қардошликни мустаҳкамлашга қаратилган туркум телевизион кўрсатувларни яратиш ҳамда намойиш этишда фаол қатнашганликлари учун улар юксак мукофотларга сазовор бўлдилар. Тележурналистлар «Ҳаёт қувончлари ва ташвишлари» туркумидаги ўз кўрсатувларида инсон тақдирлари орқали кўпдан-кўп долзарб муаммоларга назар ташладилар.

Ҳисор водийсида зилзила содир бўлганида Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг журналистлари дарҳол фожиа содир бўлган жойга жўнаб кетдилар. Улар ўша ерда тайёрланган кўрсатувларда қардош тожиклар бошига тушган кулфат, раҳм-шафқат ва ҳамдардлик тўғрисидагина эмас, шу билан бирга фавқулодда вазиятда намоён бўладиган бу фазилатлар нима учун кундалик турмушда одамларга камдан-кам хос бўлиши ҳақида ҳам моҳирлик билан оператив равишда ҳис-ҳаяжонга тўла, телетомошабин қалбига етиб борадиган тарзда ҳикоя қилиб бердилар.

Тележурналистлар ўзларининг бошқа бир кўрсатувида Ўзбекистон ва Тожикистоннинг субтропик зонаси — Сурхон водийсида вужудга келган экология вазияти муносабати билан бонг урдилар.

«Бизларнинг маданиятимиз, урф-одатларимиз, анъаналаримизда умумий томонлар кўп, биз гўё бир дарахтнинг шохларимиз». Ўзбекистон ва Тожикистон диёрида Наврўз байрамининг нишонланиши тўғрисидаги яна бир кўрсатувнинг асосий мазмуни ана шундай. Кўрсатув нозик дид ва самимият билан тайёрланган. Кўрсатувнинг далил-исботларга асосланган шарҳи уни ишончли дўст ва яхши қўшнидан кўра қадрлироқ ҳеч нарса бўлиши мумкин эмаслигини ҳар қандай умумий даъватлар ва баландпарвоз сўзлардан кўра яхшироқ исботлаб берадиган юксак публицистика даражасига кўтаради. Кўрсатув ижодкорлари программани икки тилда уюштириб, унда тожикистонлик ҳамкасбларни қатнашишга жалб этдилар.

— Ижодий алоқаларимиз йилдан-йилга мустаҳкамланмоқда, — деди Тожикистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг раиси А. Ш. Жўраев. У Тожикистон ССР Олий Совети Президиуми номидан Фахрий ёрлиқларни мукофотланганларга топшириш учун Тошкентга келди. — Тожикистон телевиденеиси ўз кўрсатувларини 1959 йилдан бошлаган, биз дастлаб ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз ҳузурида стажировкадан ўтганмиз. Аста-секин амалий алоқаларимиз кенгайиб, кўрсатувларни айирбошлашга ўтдик. 1966 йилда «Дўстлик экрани» кўрсатуви пайдо бўлди.

Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасида турмушнинг барча соҳаларида тобора кўпроқ алоқалар ўрнатилмоқда. Иккала республика телевиденеси ва радиоэшиттириши бундай алоқаларни мустаҳкамлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда.

Э. ТУХВАТУЛЛИНА,
ЎзТАГ мухбири.

• *Бор бўлсин шундай одамлар*

ОЛМАЛИҚЛИК КИТОБ ШАЙДОСИ

1933 йилда нашр этилган «В. И. Ленин 12 йил ичида (Рус марксизми ва рус социал-демократиясида икки йўналиш)» мақолалар тўплами Анатолий Григорьевич Слупко шахсий кутубхонасининг биринчи китоби бўлди. Бу ноёб китоб унга отасидан — Карелиядаги темир йўлда ишловчи чаласавод кишидан қолган эди. Отасига эса уни қўшниси — кекса коммунист, Октябрь революцияси қатнашчиси Иван Иванович Поздеев совға қилган эди. Дастлаб ёш Толикни ана шу меҳрибон инсон китобга ошно этди.

А. Г. Слупко уруш пайтидаёқ китоблар йиға бошлаган эди. Ўша йиллардаги китоблар кичик ҳажмда, арзон муқоваларда бўлар эди. Ўн уч ёшли Толик китобларни сотиб олиш учун темир йўлда дастёрлик қилиб топган озгина моянасининг бир қисмини сарфларди.

Йигит урушдан сўнг ишчи ёшлар мактабини битириб, Петрозаводск университетининг тарих-филология факультетига ўқишга киргач, снёсий адабиётларни қатъиян ва аниқ мақсад билан йиға бошлади.

А. Г. Слупко Карелия АССРдаги Питкярант районида чиқадиган «Янги Ладога» газетасида ўн беш йил ишлади. Меҳнат фаолиятини адабий ходимликдан бошлади. Иқтисодий бўлим мудири лавозимидан пенсияга чиқди. Мана, етти йилдан бери Олмалиқ шаҳрида яшамоқда.

Шу йиллар мобайнида унинг кутубхонаси тарихий-инқилобий мавзудаги нашрлар билан тўлиб борди. Булар: 1903—1920 йиллардаги газета ва журналлар, инқилоб йилларидаги варақалар, Ленининг ҳаётлигида ҳамда вафотидан кейин нашр этилган асарлари, Владимир Ильич Ленин тўғрисида, Ульяновлар оиласи ҳақидаги эсдаликлардир. Кутубхонани бойитишда А. Г. Слупконинг рафиқаси Таисия Ивановна Яковлева яқиндан ёрдам бермоқда. Улар биргаликда шаҳарда кенг кўламда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориб, ёшларда китобга нисбатан меҳр-муҳаббат ҳисларини тарбиялямоқдалар.

Слупколар квартираси ҳамма вақт китоб ишқибозлари учун очиқ. Олмалиқликлар ҳозиргача кутубхонадаги икки мингдан зиёд китоб билан танишиб чиқишга улгуришди. Анатолий Григорьевичнинг дўстлари ва қўни-қўшниларидан ташқари нотаниш одамлар ҳам китоблар юзасидан унга тез-тез мурожаат қилишади. Масалан, Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг ишчиси Геннадий Буров ҳали мактабда ўқиб юрган пайтидаёқ Анатолий Григорьевич ҳузурига келган эди. У фалсафага оид китобларга ўч. Мактабни битиргач, Совет Армияси сафларида хизмат қилди. Геннадий ҳозир ҳам эски дўст сифатида мазкур оиланинг кутубхонасидан фойдаланмоқда. Университетнинг фалсафа факультетига ўқишга кирмоқчи.

Хонадон соҳиблари кутубхонани тартибга келтириш ҳамда бойитиш ишларини давом эттирар эканлар, Ленин асарларига қайта-қайта мурожаат қилмоқдалар. 1918 йилда чиққан варақаларни, асримиз бошида нашр этилган журнал мақолаларини, кўпчиликка ҳали унча маълум бўлмаган воқеа-ҳодисалар тўғрисидаги китобларни ўқиб, мамлакат тарихини янгича мушоҳада этмоқдалар ва бор ҳақиқатни оммага етказмоқдалар.

Суратларда: 1. Меҳнат ветерани А. Г. Слупко рафиқаси Т. И. Яковлева билан. 2. Шахсий кутубхонадаги нодир китоблар.

А. КОШКИН суратлари [ЎзТАГ].

• *Совет—Ҳиндистон дўстлиги ойлиги давом этмоқда*

Ж. НЕРУ ВА ЎЗБЕКИСТОН

Шу йил 14 ноябрь куни Жавоҳарлал Неру туғилганига 100 йил тўлади. Ҳиндистон жамоатчилиги, ҳинд халқининг чет мамлакатлардаги дўстлари, жумладан Совет Иттифоқи жамоатчилиги 1989 йилни шу буюк инсон, катта давлат арбоби, халқлар дўстлиги ва ҳамкорлиги ҳамда ҳинд—совет дўстлиги куйчисининг бир асрлик юбилейини нишонлаш йили деб эълон қилдилар.

Республикамизда ташкилий комитет тузилди ва унинг иш планига биноан шоҳли санани нишонлашга Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа Ўзбекистон жамияти, Совет — Ҳиндистон дўстлик жамиятининг Ўзбекистон бўлими, бир қатор илм-фан муассасалари, турли ижодий союзлар, олий ўқув юртлари ва мактаблар ўз тадбирлари билан фаол қатнаша бошладилар.

Тошкент давлат университетининг шарқ факультетида «Дипломатик муносабатларни ўрнатишда, СССР ва Ҳиндистон ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришда Ж. Нерунинг роли» мавзуида назарий-илмий конференция, Тошкент политехника институтида «Ж. Неру ва совет — ҳинд дўстлиги ва ҳамкорлиги» семинари, Ўзбекистон дўстлик жамияти ҳузурида ташкил этилган «Диалог» клубида «Неру ва ёшлар» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Республика газеталарида, радио ва телевиденеида ҳиндшунослар, тарихчилар ва давлат арбобларининг, ҳиндистонлик меҳмонларнинг, Ҳиндистоннинг Тошкентдаги Бош консулининг чиқувлари бўлди.

Хўш, Ж. Нерунинг бир асрлик санасини Ўзбекистонда бундай кенг кўламда нишонлашнинг боиси нимада?

Бунинг сири бизнинг фикримизча, икки томоннинг, яъни ўзбек халқининг улуг ҳинд халқига, қолаверса, унинг раҳбари, тинчликсевар, инсонпарварлик, яхши қўшничилик сиёсатига асос солган Ж. Неруга бўлган катта самимий ҳурмати, иззатиддадир. Уларнинг бир-бирларига бўлган қизиқиши, бир-бирларининг инсоният тараққиётига қўшган ҳиссаларини ҳамда, ҳозирги замон турмуш тарзларини ўрганиш ва тушуниш учун бўлган ниятларининг ўхшашлигидадир.

Ўрта Осиё тарихини, бу ўлка билан ҳинд эли ўртасида бўлган қадимий алоқаларни мутолаа қилган Ж. Неру шу ерга келиб, ўз кўзи билан қадимий обидаларга бой Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент каби шаҳарларни, Ҳиндистонда Бобурийлар династиясига асос солган буюк шоир ва давлат арбоби Муҳаммад Заҳириддин Бобур туғилиб вояга етган Фарғона водийсини, умуман Шарқда машъал сифатида донг таратган Совет Ўзбекистонини кўришни кўпдан орзу қилган. Мустамлакачилар томонидан Советлар мамлакатига қарши кўтарилган сунъий девор бу орзуни амалга оширишга имкон бермади. Шунга қарамай Ж. Неру 1927 йилда отаси Мотилал Неру, онаси ва синглиси билан Москвага келиб, Октябрь инқилобининг 10 йиллигини нишонлаш тантаналарида қатнашди. Ўшанда Ўрта Осиёга келиш насиб бўлмади, лекин айрим ҳинд олимларининг фикрича, Ўрта Осиё билан, унда яшовчи халқлар ҳаётига Октябрь инқилобининг таъсирида бўлган ўзгаришлар билан ҳам қизиққан. Неру ўттизинчи ва қирқинчи йилларда ҳам Совет Ўрта Осиё республикаларини ўрганишнидавом эттирган.

Яқинда Ҳиндистон газеталаридан бирида бу фикрни тасдиқловчи янги далил эълон қилинди. 1984 йилда «Ҳиндустан таймс» газетаси Ж. Нерунинг ташқи ишлар бўйича маслакдоши ҳамда дўсти ва ҳамроҳи В. К. Кришна Менонга 1946 йил 6 октябрь куни ёзган хатини биринчи марта чоп этди. Ана шу хатда Неру қуйидагиларни ёзган эди: «Истагимиз шуки, Сиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеясига альтернатив делегат сифатида қатнашиш учун Лос-Анжелесга боришингиз лозим. Бунга 5 ёки 6 ҳафта, ундан кўпроқ вақтингиз кетади. Шундан сўнг зудлик билан Россияга боришингиз керак. Бу ҳақда Сизга алоҳида кўрсатмалар юборамиз. Америкада турли мамлакатлар намояндалари билан учрашиш имкониятига эга бўласиз. Улар билан бизнинг келажакда бўладиган алоқалар бўйича фикрлашинг. Осиё мамлакатлари намояндалари билан махсус алоқа ўрнатишингиз ва уларга бўлажак Осиё халқлари ўзаро муносабатларига оид конференция тўғрисида гапириб беришингиз керак. Шу конференцияда қатнашчиларини сўраб ҳаммаларига, жумладан, Совет Ўрта Осиё республикаларига таклифномалар юборганмиз. Москвага хат кетиб бўлган. Биз конференциянинг амалий равишда ўтишини истаймиз».

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Т. А. Саримсоқов 1989 йилда босилиб чиққан «Постижение» («Англаш») номли китобида юқорида айтилган конференцияни 1946 йилнинг 23 мартидан 3 апрель кунига қадар Деҳли шаҳрида бўлиб ўтганини ва унда Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг делегати сифатида қатнашганлигини қайд қилган. У кишининг ёзишича конференцияни оча туриб Ж. Неру совет делегациясини, хусусан, Ўрта Осиё республикалари делегатларини алоҳида қизғин табриклаган. Ж. Неру қизи Индира Ганди билан совет делегациясини ўз уйида меҳмон қилган. Меҳмонлар қаторида борган академик Саримсоқов билан суҳбат даврида у киши Ўрта Осиёнинг қадимий тарихи ва ҳозирги замон турмуши билан жуда қизиққан, кўриш орзуси борлигини изҳор этган.

Ана шу конференциядан сўнг кўп ўтмай яъни 1947 йилнинг 15 август куни Жавоҳарлал Неру Ҳиндистоннинг биринчи Бош министри лавозимида машҳур Қизил қалъа устида озодлик байроғини кўтарди.

Ж. Неру 1955 йилда Советлар мамлакатига азиз меҳмон бўлиб келди. Бу визит икки давлат муносабатлари тарихида зарҳал ҳарфлар билан ёзилган саҳифани очди. Ж. Неру ва унинг ҳамроҳлари қайси шаҳарга бормасинлар минглаб совет кишилари пешвоз чиқиб гулчамбарлар билан қизғин қутладилар.

Шу визит даврида 14—16 июнь кунлари Ж. Неру Ўзбекистонга биринчи марта ташриф буюрди. Индира Ганди отасига ҳамроҳ эди. Тошкент аэропортида жуда кўп кутиб олувчилар олдида нутқ сўзлаб, Неру қуйидаги сўзларни айтган эди: «Мен Ўзбекистонга келишни кўпдан орзу қилар эдим. Орзуим амалга ошди. Мамлакатимиз бир-бирига қўшни. Одат бўйича қўшнилар яқин алоқада бўлишлари, бир-бирларини яхши билишлари керак. Қадимий замонлардан бир-биримизга бўлган қизиқиш катта бўлган, савдо, маданий алоқалар кенг бўлган, бир-биримизга тез-тез бориб турганмиз. Мустамлакачилар томонидан вақтинчалик узиб қўйилган алоқалар янгидан тикланяпти. Биз бундан беҳад хурсандмиз».

Ўзбекистонга бўлган катта қизиқиш, Ж. Нерони бу ўлкага яна бир бор 1961 йилда олиб келди. Бу гал ҳам аввалгидек республика раҳбарлари, барча аҳолиси у кишини чин юрақдан, дўстона кутиб олиб, ўз ютуқлари, янги, обод бўлган шаҳар ва қишлоқларини, илмий-тадқиқот институтлари, шарқшунослик институтида сақланувчи қадимий қўлёзмалар билан, завод-фабрикаларида ишлаб чиқарилаётган янги қишлоқ хўжалиги машиналари, тикув машиналари билан таништирдилар.

Совет Иттифоқига қилинган икки расмий визит жуда сермазмун бўлиб, икки буюк совет ва ҳинд халқларини бир-бирларига яқинлаштиришда, улар дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишда, бир-бирларига ишонч туйғуларини уйғотишда тарихий аҳамиятга эга бўлди.

Ж. Неру янги мазмун берган Совет—Ҳиндистон алоқалари бугунги кунда икки буюк давлат раҳбарлари — М. С. Горбачев ва Р. Гандининг куч-ғайратлари билан тобора мустаҳкамланмоқда ва ўз самараларини бермоқда.

С. МИРҚОСИМОВ,
Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамияти президиуми раисининг ўринбосари.

Бельгиядан келган меҳмонлар

Бельгия Социалистик (Франкофонлар) партияси Раисининг маслаҳатчиси Бошқа республикамиз ҳаёти билан танишди.

Меҳмон музейларга борди, Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирди, Тошкент районидаги Карл Маркс номли колхозга ташриф буюрди. «Совет Ўзбекистони» газетаси редакциясида суҳбат бўлди.

Бошқа Самарқандга сафар қилди. Шаҳарнинг тарихий обидаларини зиёрат қилди, Бутуниттифоқ қорақўлчилик илмий-тадқиқот институтига борди.

Менделеев съездининг ташкилий комитетидан

9 август куни Тошкентда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти З. С. Салимов раислигида умумий ва амалий химия масалаларига бағишланадиган ўн тўртинчи Менделеев съезди Тошкент ташкилий комитетининг мажлиси бўлди.

Ўзбекистон пойтахтида сентябрь ойининг ўрталарида бўладиган ана шу халқаро илмий анжуманга қандай тайёргарлик кўрилаётгани муҳокама қилинди. Съезд ишида 1500 нафардан кўпроқ етакчи совет ва чет эл кимёгар олимлари иштирок этадилар.

Ўғрилар... жабрланди

Самарқанд районидаги 102-ўрта мактаб ўқувчилари У. Тўйчиев ва Б. Самадов дераза панжарасини бузиб, Р. Шредер номли илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг Самарқанд филиали лабораториясига кириб олдилар. Улар йигирма литр спирт солинган шишани ўғирлашмоқчи эди.

Лекин кутилмаган ҳодиса рўй берди: шиша уларнинг қўлидан тушиб кетди, спирт тўкилди. Болалар гугурт ёқиб хонани ёритишганида суюликдан аланга чиқди. Филиалнинг кўнгилли ўт ўчирувчилар дружинаси ёнғинни зудлик билан ўчирди. Ҳаммадан ҳам кўра ўғрилар жабрланишди: уларнинг аъзои бадани жиддий шикастланди ва улар қуйганларни даволайдиган марказга олиб келинди.

[ЎзТАГ].

Муҳаррир Ў. УСМОНОВ.

• *Реклама ва эълонлар* •

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги
НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА

61 МАВСУМ ОЧИЛАДИ

РЕПЕРТУАР ПЛАНИ:

12 августда — Бўрон.
13 августда — Тўмарис.
15 августда — Чио-Чио-Сан.
16 августда — Спартак.
17 августда — Евгений Онегин.
18 августда — Боғчасарой фонтани.
19 августда — Флория Тоска.
20 августда — Оққуш кўли.
22 августда — Оловли фариштa.
23 августда — Севги ҳақида афсона.
24 августда — Кармен.
25 августда — Икки дил достони.
26 августда — Риголетто.
27 августда — Корсар.
29 августда — Сўғд элининг қоплони.
30 августда — Севги тумори.
31 августда — Фауст.

Билетлар сотилмоқда.

ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИНИНГ КУНДУЗГИ ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИ
(«Олий ўқув юртига кириш ва касбга йўналтириш бўлими»)
1989—1990 ўқув йили учун

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тайёрлов бўлимига ўрта маълумотли, халқ хўжалигининг барча тармоқларида ишловчи 34 ёшгача бўлган илғор ишчилар, шунингдек, СССР Қуролли Кучлари сафида хизматини 1988 йилнинг ноябрь-декабрь, 1989 йилнинг май-ноябрь ойларида ўтаб бўлганлар, КПСС МК ва СССР Министрлар Советининг 1983 йил 17 январь қарори билан жорий этилган «Имтиёз ҳуқуқи ҳақидаги гувоҳнома» ва СССР Министрлар Советининг 1981 йил февраль 209-сонли қарори билан жорий этилган «Инвалиднинг имтиёз ҳуқуқи ҳақидаги гувоҳнома» эгалари хизмат муддати ва запасга қачон бўшатилганидан қатъий назар қабул қилинадилар.

Тайёрлов бўлимига кирувчи ёшлар камида икки йил узлуксиз меҳнат қилган бўлишлари керак. Колхозчилар ҳам календарь йил учун белгиланган минимум иш кунига эга бўлишлари лозим. Йўлланма меҳнат коллективлари ва ҳарбий қисмлар шахсий состави мажлиси қарори асосида партия, комсомол ва касаба союз ташкилотлари тавсияси билан корхона, ташкилот раҳбарлари, шунингдек, ҳарбий қисмлар қўмондонлиги томонидан юборилади.

Тайёрлов бўлими тингловчиларни институтнинг барча факультетларида (архитектура факультетидан ташқари) ўқишни давом эттириш учун қабул қилади.

Тайёрлов бўлимига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: ариза, тайёрлов бўлимига йўлланма, ўрта маълумот тўғрисида ҳужжат (асл нусхаси), меҳнат дафтарчасидан кўчирма, характеристика, 3x4 см, катталикдаги 8 дона фотосурат, медицина справкаси (086/У форма), паспорт ва ҳарбий мажбурият тўғрисидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади. Ишчи ва колхозчилардан аризалар **1 октябрдан 25 ноябргача,** ҳарбий хизматчилардан эса **31 декабргача қабул қилинади.**

Тайёрлов бўлимига кирувчиларга суҳбат олдидан математика ва физика бўйича консультация ва обзор лекциялар (химия ихтисослари учун химия ва физика бўйича) ўтказилади.

Суҳбат 25 ноябрдан бошланади.

Қабул математика ва физикадан ўтказилган суҳбат натижаси, химия-технология факультети учун эса химия ва физикадан ўтказилган суҳбат натижаси бўйича бўлади.

МАШҒУЛОТЛАР 1 ДЕКАБРДАН БОШЛАНАДИ.

Ўқиш муддати — 8 ой.

Бошқа шаҳардан келиб, ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиётган тингловчилар ётоқхона билан таъминланадилар.

Тайёрлов бўлимини муваффақиятли тугатганлар Тошкент политехника институти кундузги бўлимининг 1-курсига кириш имтиҳонларисиз қабул қилинадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур кўчаси, 10-уй, 18, 23-хоналар, қабул комиссияси.

Транспорт: 7, 8, 11, 16-трамвайлар; 8, 18, 20-троллейбуслар; 28, 91-автобусларнинг «Санъат саройи», «Шайхонтоҳур» бекатлари.

Чирчиқ шаҳрида яшовчилар Тошкент политехника институтининг тайёрлов бўлимига киришни истасалар, институтнинг шу шаҳардаги филиалига мурожаат қилишлари мумкин.

УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ФАРҒОНА ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
қуйидаги ихтисослар бўйича
АСПИРАНТУРАГА ЭРКИН КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кундузги — умумий тарих, СССР халқлари тиллари;
сиртқи — СССР халқларининг тиллари.

Ҳужжатлар — 1989 йил 20 сентябргача эълон қилинади.

Справкалар юзасидан қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Фарғона шаҳри, Усмонхўжаев кўчаси, 19-уй. Телефон — 4-27-63.

●

РЕСПУБЛИКА «УЗПРОМВЕНТИЛЯЦИЯ» ТРЕСТИ

ишлаб чиқариш ва жамоат биноларининг вентиляция ва ҳавони кондициялаш системаларини янги қурилиш бораётганда, шунингдек капитал ремонт ва реконструкция олиб борилаётган пайтда лойиҳалаштириш, монтаж қилиш ва созлаш бўйича

ХИЗМАТ КЎРСАТАДИ

Мурожаат учун адрес: 700047, Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 19-уй. Телефонлар — 33-62-51, 33-38-01, 33-36-41.

●

Бутуниттифоқ «Трансэнергомонтаж» трестининг
757-ЭНЕРГОМОНТАЖ ПОЕЗДИ

Янги, шатакли «ЗИЛ-131 НВ» автомобилларини (2 дона) «КС-2561» автокрани, «БМ-302» бурғулаш-кран машиналари, «ПАЗ-672» автобуси, «РАФ-2203» микроавтобусига

АЛМАШТИРАДИ

Мурожаат учун адрес: 700209, Тошкент шаҳри, 3-Сергели массиви Анна Ахматова кўчаси, 20-уй, Телефонлар — 58-52-37, 58-54-29.

«Узмежавтотранс» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Тошкент автотранспорт-экспедиция комбинатига берилган 2-ТМ формали 99993, 99994, 99995, 99996, 99997, 09982, 09983, 09984, 09987, 09988, 09989, 09990, 09991, 09992, номерлардаги йўқолган

ШАҲАРЛАРАРО ТОВАР-ТРАНСПОРТ НАКЛАДНОЙЛАРИ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг суд-медицина экспертизаси Бош бюроси коллективи суд-медицина эксперти

Шавкат Гафурович ҒУЛОМОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ядро физикаси институти дирекцияси, партия комитети ва касаба союз ташкилотлари етакчи илмий ходим, физика—математика фанлари доктори, профессор Л. Ш. Ҳўжаева онаси

Сарвархон КАРИМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг бадиий коллективлари, «Дуторчи» қиалар ансамблининг хонандаси С. Каримовага онаси

Ҳожалхон МАСАБИРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

ФАХР БИЛАН ЭСЛАЙМИЗ

ХОТИРА:

«Пахтакор-79» футбол командасининг ҳалокатга учрагани ўн йил бўлди. Шу муносабат билан мухлислар собиқ пахтакорчилар номини яна бир бор эслаш, уларнинг хотирасига ҳурмат бажо келтириш учун Тошкентдаги йирик спорт масканига тўпланадилар. Ишқибозлар ўз даврида ҳужумкор, тўпларга бой, маромли ўйинлари билан кўпчиликни қувонтирган пахтакорчиларни эслаб, оёққа турадилар.

1979 йилнинг 8 августида собиқ пахтакорчилар сўнгги марта ўз майдонларида «Заря» футболчиларини қабул қилиб, мухлисларни мамнун этишган эди.

Ана шу ўйиндан кейин пахтакорчилар сафари учрашувига йўл олиб, Минск динамочилари билан тўп суришга чоғландилар. Лекин ҳаммаси бошқача бўлиб кетди. 11 август куни кутилмаганда юз берган авиация ҳалокати туфайли мамлакат футболчилари сафидан бутун бир команда бевақт кетди.

Минглаб ишқибозларнинг фахри бўлиб қолган Олимжон Аширов, Михаил Ан, Равиль Агишев, Константин Баканов, Сирожиддин Бозоров, Юрий Загуменних, Шухрат Эшбўтаев, Александр Корченов, Николай Куликов, Владимир Макаров, Сергей Покатилов, Владимир Фёдоров, Виктор Чуркин, Владимир Чумаков етук футболчилар сифатида мангу хотира бўлиб қолдилар.

Таниқли футболчи Д. Кипиани пахтакорчиларни шундай эслайди: «Ан ва Фёдоров билан жуда иноқ эдик. Улар билан ёшлар терма командасида биргаликда тўп сурганмиз».

Собиқ пахтакорчиларга бир неча йил мобайнида устозлик қилган Вячеслав Соловьёвнинг сўзлари ҳам диққатга сазовор: «Қобилиятли ёшларнинг бир гуруҳига бошчилик қилишни ўзим учун омад, деб билганман. Бойси пахтакорчиларнинг бутун фикру хаёллари ўйинда бўларди. Базъиларга ўхшаб мажбуран тўп сурмасдилар. Балки ҳамкиҳатлиққа, иноқликка интилардилар. Учрашув пайтлари мослашиб, эркин ҳаракат қилишлари самарали кечганлигини кўп марта кузатганман. Бундай пайтларда пахтакорчиларга тренерлик қилаётганлигимдан беҳад қувониб, кўнглим фахрга тўларди».

Пахтакорчиларнинг номлари бугунги кунда кўчаларга қўйилган. Уларга ёдгорликлар ўрнатилган. Ҳар йили «Пахтакор» хотира-совғини учун мусобақалар ўтказилмоқда. Мухлислар эса собиқ пахтакорчиларнинг ҳужумкорлик ва ташаббускорлик каби ажойиб анъаналарини давом эттиришга уринаётган, шу кунларда мухлисларни қувонтириб турган «Пахтакор» командаси билан Ставрополь динамочилари учрашувини кўрадилар.

Р. ШОДИЕВ.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматда босилади.

Р — 04277. Б. — 185. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12